БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 август Сешанба № 157 (13.593). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

## СИЗНИНГ ЖАНГОВАР МЕҲНАТИНГИЗ — МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

ОДЕССА, 17 август. (ТАСС). СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Одесса ҳарбий округи қўшинлари машқининг қатнашчилари, Совет Қуролли Кучлари офицерлар корпуси вакиллари билан учрашуви армия ва мамлакат келажаги тўғрисидаги сермазмун суҳбатга айланиб кетди.

...Эрталаб денгиз соҳилига денгиз пиёдалари десанти туширилди. Денгиз десанти асосий зарбаси йўналишидаги ҳаракатларни ривожлантириш учун мотоўқчилар дивизияси мудофаасининг ичкарисида ҳаво десанти ташланди. Десантчилар ўзлари тушган ерга тезда мустаҳкам ўрнашиб олгач, қулай позицияларни зудлик билан жиҳозладилар. Бу эса уларга танк полки мададида мотоўқчиларнинг қарши ҳужумини ишонч билан даф этиш, кейин эса ҳужумни кучайтириш имконини берди.

Ҳужум қилаётган жангчиларнинг ҳам, мудофаага ўтганларнинг ҳам моҳирона хатти-ҳаракатларини, машқларни кузатиб турган М. С. Горбачев юқори баҳолади. У десантчи-жангчилар билан суҳбатлашар экан, жанговар ўқишни ташкил этиш, ҳарбийларнинг ҳаёти ва турмуши билан қизиқди.

СССР Президенти билан мудофаа вазири машқ қатнашчиларига эсдалик совғалари топширдилар.

Куннинг иккинчи ярмида округ ўқув марказида машқ қатнашчилари, бир қанча ҳарбий округлар ҳамда флотларнинг офицерлари билан учрашув бўлди.

Учрашувни очган СССР мудофаа вазири Совет Иттифоқи Маршали Д. Т. Язов СССР Қуролли Кучларининг ҳозирги қурилишини ислоҳотнинг боришини хусусида тўхталди.

Шундан кейин СССР Президенти жангчилар ҳузурида нутқ сўзлади. Унинг нутқи матбуотда эълон қилинди.



Саккиз йил бўлди Шаҳринисонинг пахтачилик билан шуғулланганига. Ёлғон эмас шу даврда унинг қийналган чоғлариям бўлди.

Айтмоқчи, Шаҳринисонинг касби агроном. Олий маълумотли, ЎзЛКЁИ Марказий Қўмитасининг бюро аъзоси.

Жамоада эса етакчи. Бригаданинг ихтиёрида 297 гектар майдон бор. Деҳқонларнинг нияти ўзига яраша. Гектаридан 30 центнерга етказиб ҳосил олиш. Ўз вақтида парвариш қилинганлиги туфайли ғўзалардаги кўсаклар сони мўлжалдагидек.

Суратда кўриб турганингиз Ш. Аблазованинг иш жойи Жиззах вилояти Пахтакор ноҳиясидаги «Самарқанд» давлат хўжалигидир.

Сурат муаллифи У. ҚЎШВОҚОВ.

Лойиҳа

# Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг УСТАВИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ УСТАВИНИНГ МАЗКУР ЛОЙИҲАСИ ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ VIII ПЛЕНУМИДА ТУЗИЛГАН ЖУМҲУРИЯТ КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ИШЧИ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН. БИРОҚ, ИШ ЖАРАЁНИДА УСТАВНИНГ АЙРИМ БАНДЛАРИ ЮЗАСИДАН ИШЧИ ГУРУҲИ ИЧИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ. ШУНИНГ УЧУН «БХ» БЕЛГИСИ МАТНДА БАҲСЛИ ҲОЛНИ АНГЛАТАДИ.**

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи кўнгилли, мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлиб, онгли равишда социалистик йўлни танлаб олган ва шунга интилаётган ёшларни бирлаштиради, Ўзбекистон ССРнинг давлат ва иқтисодий мустақиллигини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Иттифоқнинг ғоявий ҳаракат дастури — коммунистик истиқбол ва инсонпарвар ижтимоий тафаккурга эришишдир. Иттифоқ умуминсоний қадриятларни, миллий ва байналмилал манфаатларни ҳимоя қилади.

Ўзбекистон ЛКЁИнинг асосий мақсади — ёшларнинг эркин камол топиши, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш, иттифоқ аъзолари ва унга хайрихоҳ бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини, сиёсий ва ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга интилишдан иборат. Иттифоқ ёш фуқароларга сиёсий маданиятни эгаллашда, умумхалқ муросасига ва миллатлараро осойишталикка эришишда ёрдам беради.

Ўзбекистон комсомоли БЛКЁИга федерация субъекти сифатида киради. **(БҲ* Ўзбекистон ЛКЁИ Уставининг БЛКЁИ Уставидан фарқ қиладиган қоидалари жумҳурият комсомоллари учун асосийдир).** Иттифоқ ўз Ҳаракатномавий ҳужжати ва Устави, Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ фаолият кўрсатади, ёшлар манфаатлари йўлида давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашишга эришади.

## I. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**(БҲ* Комсомол аъзоси Ўзбекистон ЛКЁИ ташаббускорлик ва ўз-ўзини бошқариши асосида қатнашувчи шахсдир).**

*Баҳсли ҳоллар.

1. Жумҳуриятда яшайдиган **(БҲ Ўзбекистон фуқароси, шунингдек)** 15 ёшдан то 28 ёшгача **(2-вариант — 16 ёшдан то 30 ёшгача)** бўлган, Ўзбекистон ЛКЁИсининг Ҳаракатномавий ҳужжатини ва Уставини эътироф этадиган, бошланғич комсомол ташкилотининг фаолиятида қатнашадиган, аъзолик бадалларини тўлаб борадиган йигит ва қиз **Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўлиши мумкин.** Истисно тариқасида бошланғич комсомол ташкилоти Ўзбекистон ЛКЁИ сафига 15 ёшдан **(2-вариант — 16 ёшдан)** қабул қилиши ва 28 ёшга тўлгандан сўнг комсомолда бўлиш муддатини узайтириши мумкин.

**2. Ўзбекистон ЛКЁИсининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир.** Ўзбекистон ЛКЁИси аъзоси:

2.1. ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш, ижтимоий фойдали ташаббус ва таклифларни қўллаб-қувватлаш учун комсомол ташкилотларига, органларига, комсомолнинг оммавий ахборот воситаларига мурожаат этиш; Ўзбекистон ЛКЁИ ва БЛКЁИнинг сиёсий, ташкилий ва моддий имкониятларидан фойдаланиш;

2.2. ташкилот аъзолари, ҳар бир йигит-қизга нисбатан ижтимоий адолат принципини ҳимоя қилиш;

2.3. комсомол органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш;

2.4. исталган комсомол аъзосини ва иттифоқ органини муҳокама этиш, танқид қилиш, таклиф киритиш, комсомол ва жамият турмушининг барча масалалари юзасидан ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш;

2.5. ҳар қандай масалалар кўрилаётган пайтда ўз бошланғич ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларининг йиғилишларида, мажлисларида шахсан қатнашиш;

2.6. комсомол органларининг тасарруфида бўлган ахборотларни олиш, унга баҳо бериш, исталган комсомол органларига саволлар, аризалар ва таклифлар билан мурожаат қилиш, жавоб олиш, комсомолнинг ички назорат ишида қатнашиш;

2.7. принциплари ва фаолияти Ўзбекистон ССР Конституциясига зид бўлмаган ҳамда Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставини бажаришга тўсқинлик қилмайдиган бошқа ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар ишида қатнашиш;

2.8. бир вақтда ўзининг бошланғич ташкилотининг ҳам, шунингдек, исталган бошқа ташкилот ишида ҳам қатнашиш ёки федерация субъекти доирасида сўнггиси билан келишилган ҳолда бир ташкилотдан иккинчи ташкилотга ўтиш ҳуқуқига эга.

**3. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзосининг вазифалари (БҲ* унинг ўз ташкилоти ва бутун иттифоқ олдидаги ихтиёрий вазифалари таърифлаб берилади)** Ўзбекистон ЛКЁИсининг Ҳаракатномавий ҳужжати ва унинг Уставидан келиб чиқади. Шунингдек, Ўзбекистон ЛКЁИси аъзоси:

3.1. Ўзбекистон ЛКЁИ обрў-эътибори тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва унинг ғояларини, мақсадларини ўрганиши ва уни ёшлар ўртасида тарғиб қилиши;

3.2. ўз муносабатларини иттифоқ аъзолари ўртасида ўртоқларча, ўзаро ёрдам асосига қуриши, инсон ҳуқуқини ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, ижтимоий адолатни қарор топтириши, ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтириши;

3.3. ўз халқининг маданий бойлигини ҳурмат қилишга, Ўзбекистон ССР мустақиллигини ривожлантиришга ва Шўро федерациясини янгилашга шахсий ҳиссасини қўшиши;

3.4. халқлар дўстлигини, СССР ва бутун дунё халқлари бир-бирини тушунишини мустаҳкамлашга кўмаклашиши, зўравонликка қарши курашиши шарт.

**4. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолигига қабул қилиш бошланғич комсомол ташкилотида якка-якка тартибда ўтказилади.** Йиғилишда қатнашаётган комсомол аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади. Агар яшаш ёки ишлаш жойида комсомол ташкилоти тузилмаган бўлса, тегишли ноҳия, шаҳар комсомол ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органи комсомол сафига қабулни ташкил қилади. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари умумиттифоқ намунасида комсомол билети ва нишонига эга бўладилар. Зарурат туғилса, Ўзбекистон комсомоли қўшимча нишонга эга бўлиши мумкин. Комсомол аъзоларининг ҳисобини юритиш тартибини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси белгилайди.

БЛКЁИ аъзоси Ўзбекистон ЛКЁИга ўтаётган пайтда унга мазкур Уставда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар тааллуқли бўлади.

Эслатма:

Мамлакат Қуролли Кучларида хизмат қилаётган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари БЛКЁИ Уставига, шунингдек армия ва флот комсомол ташкилотларининг Кенгашлари тўғрисидаги Низомга амал қиладилар.

**(БҲ* Иттифоқ ишида камида ўн йил давомида фаол қатнашган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзосига бошланғич комсомол ташкилоти қарорига мувофиқ Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ташаккурномаси берилади).**

**5. Ўзбекистон ЛКЁИсида аъзолик қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:**

5.1. комсомол аъзосининг ўз хоҳишига биноан бу ҳақда бошланғич комсомол ташкилотининг сайлаб қўйилган органини хабардор **(БҲ* — ёзма равишда)** қилганидан ва комсомол билетини топширганидан кейин;

5.2. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолиги муддатини чекловчи ёшга етганлиги муносабати билан, агар комсомол аъзоси ўша пайтга келганда комсомол органларига сайланмаган, кашшофлар етакчиси бўлиб ишламаётган ва Ўзбекистон ЛКЁИда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза бермаган бўлса тўхтатилади.

**6. Комсомол интизоми ва жамоат ахлоқ нормаларини бузганлиги учун** Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларига нисбатан ўртоқларча танқид, танбеҳ, ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан сингари комсомол таъсир чоралари кўрилиши мумкин.

7. Ўзбекистон ЛКЁИ мақсадини ва Устави талабларини рад этадиган сиёсий фаолият ва хатти-ҳаракат **Ўзбекистон комсомоли сафидан чиқаришга асос бўлади.** Ўзбекистон ЛКЁИдан чиқариш тўғрисидаги масала бошланғич комсомол ташкилотида ҳал этилади. Йиғилишда қатнашаётган ЛКЁИ аъзоларининг камида 3/2 қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади. ЛКЁИ сафидан чиқарилган икки ой муддат ичида то Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасигача бўлган юқори органларга шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

**8. Ўзбекистон ЛКЁИ сафига қайта тиклаш.** Агар комсомол сафидан чиқариш фактига бошқача муносабатни шакллантирадиган вазият юз берса, комсомол сафидан чиқарган бошланғич комсомол ташкилоти ёки Ўзбекистон ЛКЁИнинг юқори органлари ушбу масалани қачон кўрилганлигидан қатъий назар қайта кўриб чиқишлари мумкин.

## II. КОМСОМОЛ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИ (2-ВАРИАНТ—ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ИЧКИ ИТТИФОҚ ТУРМУШИНИНГ АСОСЛАРИ)

9. Ўзбекистон ЛКЁИсининг ички иттифоқ ҳаёти Иттифоқ ва ҳар бир комсомолнинг манфаатларини уйғунлаштирган демократик асосларга **(БҲ* комсомоллар оммаси ҳокимияти ва ташкилотидаги онгли интизомга)** қурилади. Ўзбекистон ЛКЁИ ва унинг барча ташкилотлари ўз аъзолари учун сиёсий ва маънавий жавобгардирлар. Ўз фаолияти воситаларини танлашда комсомол ташкилотларининг кенг кўламда мустақиллиги, улар фаолиятида ҳамжиҳатлик ва мувофиқлаштиришни назарда тутади.

10. Ўзбекистон ЛКЁИсида барча ташкилотлар фаолиятида жамоатчилик, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳамкорлик, топширилган иш ва ташкилот турмушида қатнашиш учун ЛКЁИ аъзоларининг шахсий масъулияти таъминланади. Ўзбекистон комсомолининг олий органлари — умумий йиғилиш, конференция ёки съезд ҳисобланади. Агар бунда комсомол ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайловларда эса учдан икки қисмидан кам бўлмагани қатнашса, улар ваколатли ҳисобланади. Комсомолнинг олий раҳбар органлари ижро қилиш органларини (бюро, қўмита, кенгаш) ва назорат органларини (назорат комиссиясини) сайлайди.

Зарурат бўлган пайтларда комсомол органларининг аниқ иш ёки йўналишлари бўйича доимий ёки муваққат комиссиялар, ишчи гуруҳлари тузилиши, шунингдек, иттифоқ аъзоларини жамоатчилик (штатсиз) асосида жалб этишнинг бошқа демократик шаклларидан фойдаланади.

**11. (БҲ* Ўзбекистон ЛКЁИсида барча комсомол органларининг қуйидан юқоригача сайлаб қўйилиши амалга оширилади; овоз бериш учун рўйхатга ҳар қандай миқдордаги, шу жумладан, ўз номзодини ҳам киритиш таъминланади. Йиғилиш, конференция, съездда қатнашаётган ЛКЁИ аъзоларининг ёки бошқа сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг энг кўп овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Бошланғич комсомол ташкилотлари юқори комсомол органлари таркиби бўйича таклиф киритишга ҳақлидир, таклифлар ушбу органни шакллантирувчи конференция ёки съезд томонидан кўриб чиқилади. Бундай органлар қуйи ташкилотлар тўғридан-тўғри вакилларини делегат қилиш йўли билан шакллантиришлари мумкин.**

**Ноҳия, шаҳар (ноҳияларга бўлинмаган) комсомол конференцияларига делегатлар бошланғич ташкилотларда сайланади. Шаҳар (ноҳияларга бўлинган) вилоят конференцияларига ва Ўзбекистон ЛКЁИ съезди делегатлар сайлаш бошланғич комсомол ташкилотлари томонидан албатта номзодлар кўрсатилиб, одатда комсомолларнинг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ўтказилади).** Сайловлар тартибини тегишли комсомол қўмитаси бошланғич, маҳаллий комсомол ташкилотларининг таклифлари асосида белгилайди.

(Давоми иккинчи бетда).

Шу сонга хабар

## Бир бор кўрган афзал

САККИЗ жуфт устунли архитектуравий кўриниш билан бошланадиган бетакрор манзил — Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари Кўргазмасига шу кунларда ташриф буюрсангиз олдироқ келишингиз керак эканлигини тан оласиз.

Хитой халқ жумҳурияти Синьцзян Уйғур автоном ноҳиясининг илмий-техник кўргазмаси ҳақида минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал. Хитой халқи эришган тараққиёт намуналарини худди бир улкан китобга жамлагандек, ҳамма соҳадаги энг сўнгги ва илғор янгиликларни 1-соҳалараро тематик кўргазмалар павильонида намойиш этмоқда. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташаббуси билан ўтказилаётган бу тадбирга ташриф буюрганларга энг яхши халқ истеъмоли моллари, айниқса, манзур бўлмоқда. Мағрибдан машриққача довруғ таратган Хитой чинниси-ю, шоҳи матолари кўзни қамаштиргудек. Ҳар бир бўлимда таржимонлар ҳамроҳлигида экскурсия хизмати йўлга қўйилган. Бу кўргазма ҳақида қисқа сатрлар холос. Яхшиси бир бориб кўринг. У 23 августга қадар давом этади.

Л. СОАТОВА.

## Хуштаъм чой

СПАССК-ДАЛЬНИЙ (Приморье ўлкаси). Узоқ Шарқнинг ёввойи ўсимлиги — элеутерококк яна бир мақсадда қўлланила бошлади. Бу ўсимлик тетиклаштирувчи қўшимча сифатида чойга аралаштирилмоқда. Ўлка давлат саноат хўжаликлари Грузиянинг Махарадзе шаҳридаги чой қадоқлаш фабрикасига ана шу шифобахш ўсимлик баргларини жўната бошладилар. Спасск Давлат саноат хўжалиги жамоаси ушбу янгиликнинг ташаббускори бўлди. Бу ерда баргни ишлайдиган махсус қуритиш ускунаси қурилди.

## «Ориёно» маркази ташкил этилди

ЯҚИНДА пойтахтимизнинг жумҳурият Билимлар уйида Тошкент шаҳар тожик маданият маркази таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган тожик намоёндаларидан ташқари Самарқанд, Бухоро, Душанбе, Чирчиқ, Ангрен ва бошқа шаҳар ҳамда ноҳиялардан келган меҳмонлар иштирок этишди. Конференцияда Тошкент шаҳар тожик маданият марказига «Ориёно» номи берилди.

Марказнинг асосий мақсади истеъдодли ёшларни бирлаштириш, миллий маданиятнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиш ҳамда ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашдир.

Шу куни конференция қатнашчилари Эрон зилзиласидан зиён кўрганларга, Тожикистонда очилган ҳисобга 463 сўм пул ўтказишди.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.
ТошДД толиби.

## Ёрдамга шошилинг

КЎПЧИЛИККА яхши маълумки, шу йилнинг 14 июнь куни Шарқий Қозоғистон вилоятида кучли зилзила содир бўлди. Унинг маркази Зайсан аҳоли пунктидан 12 километр нарида бўлиб, 7-8 баллни ташкил этди. Зилзила оқибатида Зайсан, Курчум, Маркокал ва Тарбагатай ҳамда Кокпектин ноҳиялари катта зарар кўрди.

Жумҳурият вазирлар кенгаши томонидан ташкил этилган давлат комиссиясининг ахборотига қараганда зилзиладан кўрилган зарар 600 миллион сўмни ташкил этади. 25 минг одам бошпанасиз қолди. 7169 та турар жой биноси зарарланди. 90 дан ортиқ мактаб, 40 дан ортиқ клуб, 30 дан ортиқ болалар боғчаси, 90 магазин, 800 чорвачилик комплекси яроқсиз ҳолга келди. Электр узатиш тармоқлари, телефон алоқаси, водопровод трубалари издан чиқди.

Яна ўша марказнинг ўзида 3 август куни қайтадан ер қимирлаши қайд этилди. Жабрланганлар сони янада кўпайди. Одамлар палаткаларда яшашяпти.

Қозоғистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузурида жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш штаби ташкил этилди. Зилзиладан зарар кўрганларга 81708 сўм пул ўтказилди. Қайта тиклаш ишларига 1187 ёш жалб этилди. Болаларни пионер лагерларига жойлаштириш ишлари давом этаяпти.

## Армонда қолманг

ОДАМЛАРУ одамлар, эшитмадим деманглар. Жумҳурият ёшлар пулбуюм лотереясини сотиб олишга шошилинг. Лотереянинг умумий миқдори 16 миллион сўмни ташкил этади. Ана шунинг 50 фоизи, яъни 8 миллион сўмига ютуқ чиқади. Ютуққа 10 дона «Волга» — «ГАЗ-2410», 320 дона «ВАЗ-21063», 09, 08, 05 «Жигули» автомашиналари, 80 та «Москвич-412», 80 та «Запорожец-068», 100 дона «Урал» мотоцикли қўйилган. Бундан ташқари 20 дан ортиқ хорижий давлатлардаги ёшлар саёҳат марказларига йўлланмалар бор.

Кимда ким «Волга» ютишни истаса, тезроқ ёшлар лотереясини сотиб олсин.

З. ОРТИҚХЎЖАЕВ.

## Қуръон тожик тилида

ТОЖИКИСТОНДА «Илм ва ҳаёт» илмий-оммабоп ойномаси мусулмонларнинг муқаддас китобини босиб чиқара бошлади. Қуръонни нашр этишга Тожикистон Фанлар академияси шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари тайёрладилар. Гуруҳ раҳбари, академик А. Турсуновнинг айтишича, Қуръоннинг тожик тилига кўпгина таржималаридан энг соддаси, асосий матнга тўла мос келадигани танлаб олинди. Ҳозир «Памир» ойномаси Қуръонни рус тилида босиб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Келгуси йил болаларнинг «Чашма» ойномаси Қуръоннинг соддалаштирилган вариантини мутахассисларнинг шарҳи ва расмлар билан бирга босиб чиқармоқчи.

Шу сонга хабар

# Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг

# УСТАВИ

(Боши биринчи бетда).

12. **(БҲ* Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси иккитадан ортиқ комсомол қўмитасида туриши ва уларда (ноҳия қўмитасидан бошлаб) кетма-кет икки муддатдан ортиқча сайланиши мумкин эмас).** Ўзбекистон ЛКЁИ барча даражадаги ижро этувчи ва назорат қилувчи органларининг таркиби уларнинг ваколат муддатлари тугагунча, белгиланган тартибда янгиланиши ёки қайта сайланиши мумкин. Бу масала ташкилот аъзоларининг тўртдан бир қисми талабига кўра ёки сайлаб қўйиладиган органнинг барчаси ёҳуд баъзи аъзоларининг кўнгилли истеъфога чиқиши ҳақидаги аризаси асосида кўриб чиқилади.

13. Барча ижро қилувчи сайлаб қўйиладиган органлар йиллик ҳисобот беришлари шартдир; қўмиталарнинг бюролари — комсомол қўмиталарининг пленумларида, қўмиталар ва бюролар — комсомол йиғилишларида ҳисоб берадилар. Ўзбекистон ЛКЁИсининг сайлаб қўйиладиган органининг ҳар бир аъзоси БЛКЁИ сайлаб қўйиладиган органи вакили ўз иши тўғрисида сайлаб қўйилган ёки тавсия этган бошланғич комсомол ташкилотлари олдида ҳисобот беради.

14. Ўзбекстон ЛКЁИсида принципиал ғоявийлик асосида эркин мунозара юритиш, барча органлар ва ташкилотларнинг ишида тўла ошкоралик кафолатланади. Кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор ҳамма учун мажбурийдир. Озчилик: ўз нуқтаи назарларини комсомол йиғилишларида, конференцияларида, съездларда, ижро этувчи ва назорат қилувчи органларнинг мажлисларида, комсомол оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, маърузалар билан чиқиш, тегишли орган томонидан қабул қилинган иш тартибига мувофиқ тарзда протоколларда алоҳида фикрини ёзиб қўйиш; юқори органда масалани қайта кўриб чиқишни талаб қилиш; чиқиб кетишгача бўлган масалани ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Келишмовчиликни бартараф қилиш йўлларини излаш учун ҳар икки томондан тенг вакиллик асосида келиштирувчи комиссия тузилиши мумкин.

**(БҲ* Комсомол қўмиталарида ва уларнинг назорат комиссияларида, бюро, президиумларида ихтилофлар юзага келган ҳолда, улар аъзоларининг тўртдан бир қисмининг таклифига кўра масала қайта муҳокама қилишга қўйилади ва учдан икки қисми кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади.)** Съездлар, конференциялар, пленумлар, йиғилишлар қарорлари қуйи ташкилотлар ва комсомоллар учун мажбурийдир. Комсомоллар ушбу қарорларнинг ҳаракатини тўхтатмасдан, улар юзасидан баҳс юритиши, юқори ёки ўз ташкилотларига ҳамда бошланғич ташкилотларга мурожаат қилишлари мумкин.

15. Ўзбекистон ЛКЁИсида олий ва сайлаб қўйиладиган фармойиш берувчи, ижро қилувчи органлар ҳамда аппаратнинг ҳуқуқ доиралари чегаралаб қўйилади. Сайлаб қўйиладиган органларнинг вазифалари ва ваколатлари Ўзбекистон ЛКЁИ съезди, тегишли комсомол ташкилотларининг конференциялари ва йиғилишлари қарорлари билан белгиланади.

Барча босқичлардаги комсомол қўмиталари ҳузурида тегишли қўмитанинг фаолиятини ижро қилувчи орган, бюро ва ҳоказолар билан мувофиқлаштириб туриш учун тегишли комсомол қўмитаси пленуми қарори билан котиблар кенгаши тузилиши мумкин. Кенгаш улар билан ихтилофли вазият юзага келганда баҳсга сабаб бўлган қарорни тегишли қўмита пленумида муҳокама қилингунича тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

16. Барча босқичдаги комсомол қўмиталари ўз фаолиятлари даврида одатда улар таркибига кирган ташкилотларнинг шу мақсадга ажратган маблағи ҳисобига аппарат тузиши мумкин. Унинг тузилиши ва бўлим раҳбарларининг шахсий таркиби Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби тавсияси бўйича пленум томонидан тасдиқланади. Ташкилотнинг ва ёшларнинг муайян масалаларини ечиш учун ходимларни танлаш, комсомол қўмитасининг бир қатор аъзоларини ва бошқа ўртоқларни ҳамкорликда ишлаш ва қисқа муддатли шартномалар асосида ишлашга жалб қилиш, жамоатчилик ва ижодий асосда ишлашни ҳар томонлама ривожлантириш; пленум комиссиялари ва ишчи гуруҳларининг тузилиши орқали аппаратнинг мақсадга мувофиқлигига эришиш мумкин. Аппаратга номзодлар кўрсатилишида, улар ўзлари аъзо бўлган бошланғич комсомол ташкилотлари томонидан уларни қўллаб-қувватланиши албатта инобатга олинади. **(БҲ* Аппаратнинг масъул ходими меҳнат тўғрисидаги СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлар мажмуасида кўзда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади, комсомол қўмитаси раҳбарияти билан ихтилоф чиқиб қолганда ёки ишдан бўшатилганда ўша қўмита пленумига масала моҳияти юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. БҲ*. Ҳар бир бошланғич комсомол ташкилоти ва сайлаб қўйиладиган органнинг аъзоси унинг ҳузурида ишлаб турган аппаратнинг масъул ходимини чақириб олиш ҳақидаги масалани бюро ёки пленум муҳокамасига қўйиши мумкин).**

Барча босқичдаги комсомол қўмиталарининг котиблари ва масъул ходимлари меҳнат, ўқув жамоалари, истиқомат жойлари ва ижтимоий аҳамиятга молик қизиқишлар бўйича тузилган бошланғич комсомол ташкилотлари ҳисобида туради ҳамда уларнинг ёшлар орасида олиб борадиган ишларида фаол қатнашишлари зарур.

17. Комсомол ташкилотлари ўз оммавий ахборот воситалари ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда рўзномалар, ойномалар, бюллетенлар, ташвиқот, маълумотнома — ахборот материаллари чоп этиш ва тегишли таҳририятлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Комсомол қўмиталари пленумларда оммавий ахборот воситалари раҳбарларини тасдиқлайдилар.

18. Ўзбекистон ЛКЁИ БЛКЁИнинг федерация субъекти сифатида БЛКЁИ олий ва марказий сайлаб қўйиладиган органларида кафолатли вакиллиги орқали умумкомсомол масалаларини ҳал этишда қатнашади. Ўз фаолиятида БЛКЁИнинг ҳаракатномавий мақсади ва Уставига, съездлар, конференциялар, референдумлар ва БЛКЁИ Марказий Қўмитаси қарорларига унинг федерация субъекти ҳуқуқига зид бўлмаган чегарада амал қилади. Ўзбекистон ЛКЁИ ўз Ҳаракатномавий мақсадларини бажариш учун БЛКЁИнинг бошқа субъектлари билан мустақил шартномаларни ўзининг ҳаракатномавий мақсадларини БЛКЁИнинг бошқа субъектлари билан бажариш учун тузади. **(БҲ* Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ЛКЁИлари билан узвий ўртоқларча ҳамжиҳатликда бўлади).**

Ўзбекистон ЛКЁИ сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ўзбекистон ЛКЁИнинг БЛКЁИ таркибидан ажралиб чиқиш масаласи Ўзбекистон ЛКЁИ пленуми, жумҳурият комсомолларининг учдан биридан кам бўлмаган қисмини бирлаштирган ташкилотлар таклифига кўра референдумга қўйиши мумкин. Агар референдум қатнашчиларининг учдан икки қисми, бироқ Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг камида ярми ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

## III. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг асоси бошланғич комсомол ташкилотидир. Улар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистоннинг ноҳия, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон ва жумҳурият комсомол ташкилотларига зарур ҳолларда бошқа ҳудудий бирлашмаларга бирлашадилар.

### БОШЛАНҒИЧ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич комсомол ташкилотлари камида уч ЛКЁИ аъзоси бўлган меҳнат, хизмат, ўқиш, истиқомат жойларида комсомолларнинг ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлари муштараклиги асосида (ижтимоий ҳаракатномаларни амалга ошириш учун ёшларнинг тоифалари бўйича сиёсий клублар, экологик тузилмалар ва ҳоказолар бўйича) тузилади. Улар тегишли ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталари томонидан рўйхатга олинади. Бошланғич комсомол ташкилотлари ўз таркибида комсомол гуруҳлари ва цех ташкилотларига эга бўлиши мумкин. Цех ташкилотларига Ўзбекистон ЛКЁИсида аъзолик билан боғлиқ ҳолдаги масалалар юзасидан бошланғич ҳуқуқини унинг қарори бўйича кейинчалик бериш мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг ташкилий тузилишдаги ўрни ва мақоми тегишли юқори комсомол органи томонидан белгилаб берилади.

Бошланғич комсомол ташкилотлари ўз шаҳар (ноҳияларга бўлинганлар билан) вилоят ташкилотлари ва жумҳурият ташкилотлари таркибига бевосита киришлари ёки ноҳиялараро (бир вилоят ичида) тузилмаларни ташкил этишлари мумкин.

Бошланғич комсомол ташкилотлари ўз олдига қўйган вазифалар ва шароитга қараб, мустақил равишда Ўзбекистон ЛКЁИсида аъзолик масалаларини, ўз тузилмалари, йўналишлари ва иш услубларини белгилашни, йиғилишлар, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, молиявий фаолият даврийлиги ва ўтказиш тартибини мустақил ҳал қиладилар, фирқа, шўро, хўжалик, жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликни йўлга қўядилар, ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эгадирлар. Бошланғич комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ЛКЁИсининг Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставини тушунтиради ва турмушга тадбиқ этади, комсомолларни сиёсий ва жамоа ишларида бирлаштиради, уларнинг ҳуқуқларини ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилади, иттифоқ аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш учун комсомол ўзаро ёрдам жамғармалари тузиши мумкин. Бошланғич комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ЛКЁИсининг барча даражадаги органларига наказлар бериш, таклифлар ишлаб чиқиш, сўровлар киритиш ва жавоблар олиш, улардан ўз вакилларини чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

20. Бошланғич комсомол ташкилотларининг умумий йиғилишлари ёки конференциялари тегишли йиғилишлар ва конференцияларнинг, қўмита (бюро, президиум ва бошқалар) ва (ёки) котиб томонидан белгиланган муддатга сайланади.

Комсомол аъзоларининг миқдори ўн кишидан кам бўлмаган комсомол ташкилотларида котиб ва унинг ўринбосари, комсомол гуруҳларида — гуруҳ комсорги сайланади. Бошланғич ташкилотда назорат комиссиялари сайланиши мумкин. Йиғилиш сайлаб қўйиладиган органнинг қарори ёки мазкур ташкилот аъзоларининг камида 1/4 қисмининг талаби бўйича чақирилиши мумкин.

21. Бошланғич комсомол ташкилотини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор мазкур ташкилотнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бошланғич ташкилот иши Ўзбекистон ЛКЁИсининг Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставига зид бўлиб қолган ҳолда, ёки ўз фаолиятини амалда тўхтатиб қўйган тақдирда юқори комсомол ташкилоти уни тарқатиш ҳақида қарор қабул қилади, ушбу қарор ноҳия, шаҳар, Қорақалпоғистон ташкилотларида, Марказий Қўмита пленумида ёки Ўзбекистон ЛКЁИсининг съездида кўриб чиқилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ВА НОҲИЯ, ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Қорақалпоғистон Мухтор Шўро Социалистик Жумҳурияти ҳудудида фаолият кўрсатаётган комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилотига ихтиёрий равишда бирлашадилар. Ички иттифоқ фаолиятидаги Ўзбекистон ЛКЁИ Уставида белгилаб берилганлардан ташқари барча нормалар Қорақалпоғистон комсомол ташкилотининг ихтиёрига киради. Унинг юқори органи конференция (съезд) ҳисобланади. Фармойишлар бериш органи Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилоти деб номланади. Қорақалпоғистон жумҳурияти комсомол ташкилоти Ўзбекистон ЛКЁИ таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга. Агар референдумда қатнашганларнинг учдан икки қисми, лекин барча аъзоларининг ярмидан кам бўлмаган қисми ёқлаб овоз берган тақдирда чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

23. Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ЛКЁИсининг Ҳаракатномавий ҳужжатини, Уставини ва ёшлар сиёсатини ўз таркбиига кирувчи комсомол ташкилотлари амалга оширишига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатадилар ва мувофиқлаштирадилар. Улар Иттифоқ турмушининг барча масалаларини ҳал этишда юқори комсомол органларидаги мухтор вакиллари орқали қатнашадилар. Улар тўла ҳуқуққа эга бўлиб, ЛКЁИнинг марказий сайлаб қўйиладиган органларга берадилар ва буни съезд қарорлари ҳамда жумҳурият комсомоли Уставида жамоа равишда мустаҳкамлаб қўядилар. Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят, ноҳия, шаҳар комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатнмавий ҳужжатига зид бўлмаган ўз ҳаракатномавий ҳужжатларига эга бўлишлари мумкин.

24. Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилоти учун съезд ёхуд конференция; вилоят, шаҳар ва ноҳия ташкилотлари учун эса конференция олий органлар бўлиб зарур ҳолларда, бироқ икки йилдан кам бўлмаган муддатда бир маротаба чақирилади. (Иккинчи вариант: уч йилда). Конференция тегишли орган ташаббусига кўра ёки унинг таркибига кирадиган ташкилотларнинг 4/1 қисми ёки тегишли ташкилотнинг 4/1 қисмини ўзида бирлаштирган комсомол ташкилотларининг талабига кўра чақирилади.

25. Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотлари ўз-ўзини бошқарувчи сайлаб қўйиладиган органларини (комсомол қўмиталари, котиблари кенгашлари ва ҳоказоларни) ва назорат комиссияларини тузади. Сайлов органлари ўз ваколатларини улар учун олий бўлган органлар томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида амалга оширадилар. Тегишли ташкилотнинг сайлов органи конференциялар ўртасидаги даврда ташкилот фаолиятига (Қорақалпоғистон ташкилотлари учун — съезд) раҳбарлик қилади ва зарурият қараб, бироқ камида 6 ойда бир маротаба йиғилади. Мазкур ҳудуд комсомолларини бирлаштирувчи ташкилот сайлов органи унга кирувчи комсомол ташкилотларининг барча сайлов органларига нисбатан юқори орган ҳисобланади.

Назорат комиссиялари тегишли комсомол ташкилоти конференцияси (Қорақалпоғистон учун — съезд) томонидан тасдиқланган назорат комиссияси тўғрисидаги Низом асосида фаолият кўрсатадилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ВА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ

26. Жумҳурият ҳудудида жойлашган СССР Қуролли Кучлари, шунингдек Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси органлари ва бўлинмалари комсомол ташкилотлари ҳисобида турган комсомоллар ҳудудий ва Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилотларининг сайлов органларига, Ўзбекистон ЛКЁИ съездига сайлаш ва сайланиши мумкин. Тегишли комсомол қўмиталари томонидан белгиланган вакиллик миқдорига кўра ҳарбий қисмда, ИИВ ва ДХҚ бўлинмалари комсомол йиғилишлари ва конференцияларида сайланадилар. Ҳудудий комсомол сайлов органларининг аъзолари ҳарбий қисмлар комсомол ташкилотлари Кенгашига тегишли қўшинлар комсомол ташкилотлари йиғилишларида ва конференцияларида сайланадилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИЙ МАНФААТЛАРИ БИРЛИГИ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИРЛАШМА ВА УЮШМАЛАРИ

27. Ўзбекистон ЛКЁИ жумҳурият бирлашмалари ва уюшмалари ижтимоий ҳаракатномаларни амалга ошириш, сиёсий клублар ва байналмилал клубларни, экологик тузилмаларни бирлаштириш ҳамда бошқа ижтимоий аҳамиятга молик манфаатларнинг бирлиги асосида ёшларнинг турли манфаатларига мослаб тузилиши мумкин. Жумҳурият бирлашмалари ва уюшмалари Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатига зид бўлмаган ўз ҳаракатномаларига эга бўлишлари, умумкомсомол масалаларини ҳал этишда сайлаб қўйиладиган органлардаги вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин. Ички иттифоқ нормаларини белгилашда улар Ўзбекистон ЛКЁИ Уставига амал қиладилар. Жумҳурият бирлашмалари ва уюшмалари ўзларининг қўшимча рамзий белгиларига эга бўлишлари мумкин. Улар Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси томонидан рўйхатга олинадилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

28. Ўзбекистон ЛКЁИ олий органи съезд ҳисобланади. Ўзбекистон ЛКЁИнинг навбатдаги съездлари уч йилда (2-вариант: 4 йилда) бир маротаба чақирилади. Съездни чақириш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми қабул қилади.

Навбатдан ташқари съездда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми ташаббуси билан, шунингдек, жумҳурият комсомол аъзоларининг 4/1 қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотларининг талабига кўра, ёхуд 4/1 қисм вилоят комсомол ташкилотларининг талабига кўра, шунингдек Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилоти ажралиб чиқиши тўғрисидаги қарор қабул қилган ҳолда чақирилади. Съездни чақириш тўғрисидаги қарор, кун тартиби, вакиллилик миқдори съезддан камида уч ой олдин эълон қилинади.

29. Ўзбекистон ЛКЁИ съезди комсомол турмуши ва фаолиятига даҳлдор бўлган барча масалаларни истисносиз ҳал қилади: Ўзбекистон ЛКЁИ съезди ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

29.1. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳисоботи юзасидан қарор қабул қилиш;

29.2 Ўзбекистон ЛКЁИсининг умумсиёсий йўлини ва навбатдаги вазифаларини белгилаб бериш;

29.3. Ўзбекистон ЛКЁИсининг Ҳаракатномавий ҳужжати ҳамда Уставини қабул қилиш ва ўзгартириш;

29.4. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси тўғрисида низомлар қабул қилиш;

29.5. Ўзбекистон ЛКЁИ съезди комсомол ташкилотлари томонидан сайланган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзоларининг ваколатларини тасдиқлайди;

29.6. Съезд кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси раисини сайлайди. Марказий Назорат Комиссияси таркибига Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аъзолари сайланиши мумкин эмас.

30. Ўзбекистон ЛКЁИ съездлари ўртасида пишиб етилган масалаларни муҳокама қилиш учун Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси томонидан ёки Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг 4/1 қисмини бирлаштирган ташкилотлар ташаббуси билан жумҳурият комсомол конференцияси чақирилиши мумкин. Конференция ўтказиш тартибини, вакиллик миқдорини ва делегатлар сайлаш тартибини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми белгилайди. Конференция Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси иши тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш, улар таркибидаги аъзоларни қисман (съездлар оралиғида 3/1 қисмини) қайта сайлаш, Ҳаракатномавий ҳужжат доирасида жумҳурият комсомоли учун бошқа мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш, Ўзбекистон ЛКЁИ Уставига ва БЛКЁИ субъекти сифатидаги унинг ҳолатига ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга.

31. Ўзбекистон ЛКЁИ съездлари ўртасидаги даврда Марказий Қўмита пленуми қарорига кўра ёки Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг тўртдан бир қисмини бирлаштирган ташкилотлар ташаббуси билан комсомол фаолиятида вужудга келган, Ўзбекистон ЛКЁИ съезди томонидан қарор қабул қилинмаган энг муҳим сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини ҳал қилиш учун жумҳурият комсомол референдуми ўтказилиши мумкин. Жумҳурият комсомол референдумида Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок қилсагина ваколатли ҳисобланади. Референдум қарорлари унда иштирок этган комсомолларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинган деб ҳисобланади. Референдумни ўтказиш тартибини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми белгилайди.

32. Съездлар ўртасидаги даврда комсомол ишига Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси съезд ёки конференция қарори билан белгилаб берилган ваколатлар доирасида раҳбарлик қилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси:

32.1. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленумлари ўртасидаги даврда комсомол ишини ташкил қилиш учун Марказий Қўмита Бюросини шакллантиради, унинг таркибига эгаллаб турган вазифалари бўйича Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон жумҳурият қўмитасининг биринчи котиби, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон кашшофлар ташкилоти жумҳурият Кенгаши раиси киради;

32.2. Марказий Қўмита биринчи котибининг таклифи бўйича Марказий Қўмита котибларини сайлайди;

32.3. Зарур ҳолларда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини ва Бюро аъзоларини Марказий Қўмита котибларини муддатдан олдин қайта сайлайди, янгидан вакил қилинган Марказий Қўмита аъзоларининг ваколатини тасдиқлайди, Марказий Қўмита аъзоларининг учдан икки қисми қарори билан комсомол ташкилотларига Марказий Қўмита аъзолари таркибидан ўз вакилларини чақириб олиш ва алмаштириш (бироқ тўртдан бир қисмидан кўп бўлмаган) ҳақида мурожаат қилади;

32.4. Комсомол ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш учун ўз таркибидаги доимий ва муваққат муаммолар комиссиялари, ишчи гуруҳлари тузади; Марказий Қўмита аъзоларига топшириқларни белгилаб беради; амалга оширилган ишлар тўғрисида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

32.5. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси тузилмасини, аппарат штатини, бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

32.6. Комсомолларни ҳисобга олиш тартибини ва комсомол органларига сайловлар ўтказиш тартибини белгилайди;

32.7. БЛКЁИ Марказий Қўмитасида, Ўзбекистон ССР Олий Шўроси ва ҳукумати олдида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбар органларида Иттифоқ вакили бўлади.

Марказий Қўмита пленумларини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросида ҳар олти ойда камида бир маротаба чақирилади. Одатда пленумни чақириш ва унинг кун тартиби пленумдан камида бир ой олдин эълон қилинади. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми Ўзбекистон ЛКЁИсининг 4/1 қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотлари сайлов органларининг талаби бўйича ёки жумҳурият ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг 4/1 қисми аъзолари таклифи бўйича чақирилиши мумкин. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми унда сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпроғи қатнашгандагина ваколатли ҳисобланади.

33. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича Марказий Қўмита аъзоларидан ҳамда маслаҳатчилар қилиб тасдиқланган бошқа комсомол ходимларидан, фаоллардан иборат доимий комиссиялар, кенгашлар тузилади. **(БҲ* тузилиши мумкин)** Комиссияларга Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиблари бошчилик қиладилар ва ўз ваколатлари доирасида масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Комиссиялар раҳбарларидан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Котибати ташкил этилиб, у Марказий Қўмита комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, жумҳурият комсомолида Марказий Қўмита, унинг Бюроси ва комиссияларининг қарорлари ижросини ташкил этади, аппаратнинг ишини йўналтириб боради.

34. Марказий Назорат Комиссияси съезд қарорлари бажарилишини, Ўзбекистон ЛКЁИ Устави талабларига риоя этилишини, ишларнинг белгиланган тартибда ўтишини, комсомол марказий органларидаги хатлар, аризалар ва шикоятларнинг кўриб чиқилишини назорат қилади, шунингдек, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюджети ижросининг тўғрилигини, шунингдек, Ўзбекистон БЛКЁИ Марказий Қўмитаси корхоналари ва муассасалари молиявий-хўжалик фаолиятини ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни назорат қилади.

### КОМСОМОЛ ВА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ

35. Комсомол В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар ташкилоти билан болаларнинг ижтимоий ривожлантириш ва ўз сафларини тўлдириб бориш манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилади, уни моддий-молиявий ва илмий-методик қўллаб-қувватлайди. Ходимларни тайёрлашда кўмаклашади. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон кашшофлар ташкилоти жумҳурият Кенгаши ўртасида шартнома тузилади. Кашшофлар ташкилотининг комсомол сайлаб қўйиладиган органларида вакиллиги кафолатланади. Кашшофлар ташкилотида ишлаётган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари ташкилот кенгашлари сайлаб қўйиладиган органлари таркибига тегишли комсомол қўмиталари томонидан белгилаб қўйиладиган ўрин бўйича сайланадилар.

### ЛКЁИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИТТИФОҚ АЪЗОСИ БЎЛМАГАН ЁШЛАР ВА ҲАВАСКОРЛИК БИРЛАШМАЛАРИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИГИ

36. Ўзбекистон ЛКЁИси ёшларнинг ғоят муҳим муаммоларини ҳал этиш учун иттифоқ аъзоси бўлмаган ёшлар, мақсади ва фаолияти Ўзбекистон ССР Конституциясига зид бўлмаган турли хил бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилади. Ҳамкорлик инсонпарварлик, демократия, ихтиёрийлик ва мустақиллик асосига қурилади.

37. Ҳамкорлик ҳақидаги қарор бошланғич, ноҳия, шаҳар, вилоят, жумҳурият ташкилотларининг умумий йиғилишида унда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ҳамжиҳатликни тўхтатиш тўғрисидаги қарор камида 4/1 қисм комсомолларни бирлаштирган унга кирувчи ташкилотларнинг таклифи асосида муҳокама қилинади.

### ЛКЁИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ

38. Ўзбекистон комсомол ва фирқа ташкилотларининг ҳамжиҳатлиги ғоявий муштараклик ва сиёсий иттифоқ, мустақиллик, ўзаро ишонч, ҳурмат, қўллаб-қувватлаш асосига қурилади. Комсомол ходими бўлган фирқалар ўз фаолиятларида Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставига амал қиладилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИНИНГ МУЛКИ ВА БЮДЖЕТИ

39. Ўзбекистон ЛКЁИ ва унинг ташкилотлари фаолияти жумҳурият комсомоли даромадлари эвазига молиявий ва моддий-техник ресурслар ҳисобидан таъминланади. Ўзбекистон ЛКЁИ мулки умумкомсомол бойлиги ҳисобланади. Унга пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, комсомол ташкил қилаётган корхоналар ва ЛКЁИ аъзолари манфаатлари йўлида, ҳаракатномавий ва Устав вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа буюмлар киради.

Бошланғич, ноҳия, шаҳар, вилоят комсомол ташкилотлари, Қорақалпоғистон жумҳурият ва Ўзбекистон ЛКЁИси ўзларининг сайлаб қўйиладиган органлари тимсолида уларнинг даражасида шаклланадиган Ўзбекистон ЛКЁИси мулкининг ўша қисмига эгалик қиладилар ва ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар. Юқори ташкилотлар БЛКЁИ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланган Ўзбекистон ЛКЁИ мулкига жамоа эгалик қиладилар. Агар ташкилот Ўзбекистон ЛКЁИ таркибидан чиқадиган бўлса, мулк масаласи унинг иштирокида сайлаб қўйиладиган юқори органлар томонидан ҳал қилинади. Комсомол ташкилоти ёки унинг сайлаб қўйиладиган органи тугатиладиган тақдирда мазкур ташкилотнинг олий органи (конференция ёки умумий йиғилиш) ёхуд юқори орган Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставида назарда тутилган мақсадларни амалга оширувчи ва ҳуқуқий шахс бўлган мулк соҳибини белгилайди.

40. Комсомол ташкилотлари корхоналар, ёшлар нашрлари таҳририятларида, муассасаларда, хўжалик ташкилотларида тузилади, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориши мумкин. Уларни тузиш, фаолият кўрсатиш, тугатиш ва қайта тузиш тартиблари БЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси томонидан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ белгиланади.

41. Ўзбекистон ЛКЁИнинг пул маблағлари аъзолик бадалларидан, комсомол ташкилотларининг тадбирларидан тушадиган маблағлардан, сайру-саёҳат ва ташқи иқтисодий фаолият даромадларидан, комсомол қўмиталари ёки улар иштирокида тузилган нашриёт ва нашрлар, комсомол қўмиталари томонидан тузилган корхоналар ва хўжалик ташкилотлари фойдаларидан ёки улар фаолиятининг бошқа турларидан ажратиладиган тушумлардан ва БЛКЁИнинг марказлаштирилган маблағидан ҳосил бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳам Ўзбекистон ЛКЁИ даромади бўлиши мумкин. Ўзбекистон ЛКЁИ бюджети қуйидан юқорига қараб шаклланади.

42. Ойлик аъзолик бадаллари қуйидагича ҳажмда белгиланади:

— ойига 100 сўмгача даромад оладиганлар — 0,5 фоиз;

— ойига 101 сўмдан 150 сўмгача даромад оладиганлар — 1,0 фоиз;

— ойига 150 сўмдан кўп даромад оладиганлар — 1,5 фоиз тўлайдилар.

Ўзбекистон ЛКЁИси аъзолари — нафақа олмайдиган ўқувчилар ва талабалар аъзолик бадалини фақат улар томонидан ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан тўлайдилар. Даромад олмайдиган ЛКЁИ аъзолари — ҳомиладорлик таътилида ёки фарзанд парвариши бўйича таътилда бўлганлар, шунингдек, ижтимоий суғурта жамғармасидан нафақа олувчилар бошланғич ташкилотнинг қарори билан аъзолик бадали тўлашдан озод қилиниши мумкин. Ўзбекистон ЛКЁИнинг моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган аъзолар ҳам истисно тариқасида бошланғич комсомол ташкилотининг қарори билан аъзолик бадалини тўлашдан озод қилиниши мумкин.

БЛКЁИ ҳисобида турган, бошқа ишлардан озод қилинган комсомол ходимларидан ташқари, КПСС аъзолари комсомол аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилинди.

43. Комсомол ташкилотларини маблағ билан таъминлаш, пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш масалаларини ҳал этиш учун ноҳия, шаҳар, ноҳия қўмитаси ҳуқуқига эга бўлган комсомол қўмиталари ҳузурида бошланғич комсомол ташкилотларининг вакиллари иштироки билан молиявий комиссиялар тузилиши мумкин. Маҳаллий комсомол қўмиталари ва назорат комиссиялари комсомол бюджети ва маблағларнинг сарфланиш аҳволи тўғрисида ҳар йили комсомолларни хабардор қилиб турадилар. Ўзбекистон ЛКЁИ бюджети, унинг тузилиши, ҳар хил даромадлардан, шу жумладан, маҳаллий комсомол ажратмаларидан унга ўтказилганларнинг ҳажми ва қарзлар, комсомол бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот комсомол Марказий Қўмитаси пленуми томонидан тасдиқланади ва комсомол аъзолари маълумотига етказилади.

Комсомол қўмиталари Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган вазиятларда ўз мулки ва маблағлари учун жавобгардир.

* * *

Съездлар ва пленумлар ўртасида Ўзбекистон ЛКЁИ Устави қоидаларини тушунтириш ҳуқуқи комсомол Марказий Қўмитаси зиммасига юклатилади. Ўзбекистон ЛКЁИси қароргоҳи — Тошкент шаҳрида жойлашган.

* * *

**ВАРИАНТНИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ИШЧИ ГУРУҲИ ТАЙЁРЛАГАН.**

## Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

«Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети Пленумига:

а) ҳибсга олинган Бухарин, Ф. Хўжаев, Разумов, Румянцев, Полонский, Хўжанов, Антонов, Рисқуловларнинг кўрсатмаси;

б) ўрт. Икромовнинг Бухарин, Ф. Хўжаев, Антипов, Разумов, Румянцевлар билан юзлаштириш протоколлари ва

в) ўрт. Икромовнинг аризаси билан танишиб чиқиб ВКП (б) Марказий Комитети

ўрт. Икромов буржуа миллатчилари ва ўзбек халқининг ашаддий душманлари (Ф. Хўжаев, Хўжанов, Болтабоев, Тожиев, Каримов ва бошқалар)га нисбатан сиёсий кўрлик қилибгина қолмай, баъзан уларга ҳомийлик ҳам қилган;

Афтидан ўрт. Икромовнинг Москвадаги ўнг троцкийчи аксил шўровий группалар раҳбарлари (Бухарин, Антипов ва бошқалар) билан алоқаси бўлган.

ВКП (б) Марказий Комитети қарор қилади:

1) Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети Пленумига ўрт. Икромов тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш ва ўз фикрини ВКП (б) Марказий Комитетига хабар қилиш таклиф этилсин.

2. ВКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси ўрт. А. А. Андреев ушбу мактуб билан боғлиқ масалаларни тушунтириш учун Ўзбекистонга жўнатилсин.

Имзо: И. СТАЛИН.
В. МОЛОТОВ.

1937 йил, 10 сентябрь.

Москва шаҳри».

16 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон КП (б) МКнинг III Пленуми очилди. Унда МК аъзоларидан 42, МК аъзолигига номзодлардан — 18, Тафтиш комиссияси аъзоларидан — 8, вилоят, шаҳар, ноҳия фирқа қўмиталари котиблари бўлган 73 киши ва ВКП (б) МК котиби ўрт. А. А. Андреевлар қатнашишди.

Эшитилди:

1) ВКП (б) МКнинг хати, ўрт. А. А. Андреевнинг Икромов тўғрисидаги ахбороти ва А. Икромовнинг тушунтириши.

Рўйхатга ёзилган 77 кишидан 35 киши сўзга чиқди.

Тўрт кунлик муҳокамадан сўнг 15 кишилик комиссия тақдим этган резолюция тасдиқланди.

2) Ташкилий масалалар:

а) Ўзбекистон КП (б) МКнинг IV пленумини чақириш муддати тўғрисида. Қарор қилинди:

Ўзбекистон КП (б) МКнинг IV пленуми олти кундан сўнг чақирилсин.

б) Ўзбекистон КП (б) МКнинг котиби тўғрисида (ўрт. А. А. Андреев).

Қарор қилинди:

Ўзбекистон КП(б) МКнинг иккинчи котиби қилиб Яковлев Павел Никитович сайлансин.

Ўзбекистон КП (б) МК III Пленумининг ВКП (б) МКнинг хати ва ВКП (б) МК Сиёсий бюросининг аъзоси ўрт. А. А. Андреевнинг Икромов тўғрисидаги ахбороти юзасидан қабул қилган қарори.

Пленум Ўзбекистон КП (б) МКнинг Биринчи котиби Икромов:

а) ҳозирги кунда фош этилган халқ душманларининг партия ва совет органларидаги асосий раҳбарлик лавозимларига чиқиб олишларига тўла имкон берганлиги;

б) ҳозирги кунда ҳибсга олинган халқ душманлари — Каримов, Цехер, Болтабоев, Шермуҳамедов ва бошқаларни ҳимоя қилган ҳамда фош этилишига халақит берганлиги, улар билан яқиндан алоқада бўлиб, оддий партия аъзоларининг ашаддий халқ душмани Ф. Хўжаевни танқид қилишларига йўл қўймаганлиги;

в) ўзининг 1923 йилда троцкийчилар билан боғлиқ бўлганлигини Ўзбекистон партия ташкилотидан яширганлиги аниқланди деб ҳисоблайди.

МК пленуми Икромов ҳомийлигида ўзбек халқининг ашаддий душманлари бўлган ўнг троцкийчи ва буржуа миллатчи унсурлар (Ф. Хўжаев, Цехер, Болтабоев, Немцович, Манжара, Моор, Шермуҳамедов, А. Каримов, Зелькина, Тожиев ва б.) МК бюроси ва бошқа муҳим вазифаларга кўтарилиб олишган ҳамда узоқ вақт душманлик фаолияти билан шуғулланганликларини аниқлади.

Юқорида баён қилинганларга келиб чиқиб Ўзбекистон КП (б) МКнинг III пленуми қарор қилади:

Икромов МКнинг Биринчи котиби вазифасидан озод қилинсин, Ўзбекистон КП (б) МК составидан чиқарилсин, партиядан ўчирилсин, у ҳақдаги иш тергов органларига берилсин ва дарҳол ҳибсга олиш талаб этилсин.

Ўзбекистон КП (б) МК пленуми Ўзбекистондаги барча партия аъзолари ва партиясиз большевикларни, аксилинқилобчи миллатчиларни батамом тор-мор этишга ва таг-туги билан суғуриб ташлашга, Сталинча ВКП (б) МК теварагида янада жипслашишига ва ўзбек халқини социализм учун бўлган курашдаги янги ғалабаларга чақиради.

3) Бу ҳақда ВКП (б) МКга хабар берилсин.

НОРБЕКОВ, ЯКОВЛЕВ.
21 сентябрь 1937 йил».

Мазкур пленумда аввалги пленумда МК бюроси аъзолигига сайланган 12 кишидан 6 нафари, МК бюроси аъзолигига номзод бўлган 7 кишидан 1 таси партиядан ўчирилди. 19 МК аъзоси ва 3 МК аъзолигига номзод — жами 22 киши МК составидан чиқарилди.

IV пленум 6 эмас, 10 кундан сўнг, бўлди. Раҳбарлик лавозимига кимни сайлаш тўғрисидаги тортишув чўзилиб кетди.

МКнинг 1937 йил 26—27 сентябрь кунлари бўлиб ўтган IV пленуми бир неча номзодни кўриб чиқди. Ўзбекистон КП (б) МКнинг биринчи котиби этиб ўрт. Усмон Юсупов сайланди.

Кейинги кунлари меҳнат жамоаларида, турар-жойларда йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтди. Уларда бюро аъзолари ва бошқа масъул ходимлар МКнинг III ва IV пленуми якунлари ҳақида нутқ сўзладилар. Йиғилишлар ва митинглар қатнашчилари пленумлар қарорларини маъқулладилар. Қабул қилинган резолюцияларда халқлар доҳийси Сталинга қизғин муҳаббат изҳор қилиниб, миллатчи, аксилинқилобчи ва бошқа душман кучларни таг-томири билан тугатиш учун янада кўпроқ куч ва ғайрат билан кураш олиб борилажагига ишонтириларди.

Жавобгарликка тортилган Икромов, Хўжаев ва бошқалардан сўнг уларнинг умр йўлдошлари, фарзандлари, ота-оналари ва яқин қариндошлари ҳам таъқибга учрашди.

1938 йил 2 март, Союзлар уйининг Октябрь зали. Суд бошланишидан ўн минут олдин соқчилар судланувчиларни залга олиб киришди ва панжара ортидаги ўриндиқларга ўтказишди. Уларнинг олдидаги узун курсидан адвокатлар жой олишди. Қарама-қарши томонда прокурор ва унинг ёрдамчиси, ўртада секретариат жойлашди. Роппа-роса соат 12 да СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг раиси, армия ҳарбий юристи, «аксил шўровий троцкийчи ўнг блок» иши бўйича суд раиси В. В. Ульрих, суд аъзолари: СССР Олий суди ҳарбий коллегияси раисининг ўринбосари, корпус ҳарбий юристи И. О. Матулевич, СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг аъзоси, дивизия ҳарбий юристи, Б. И. Иевлевлар киришди.

В. В. Ульрих суд составини, ҳимоячиларни, давлат айбловчиси — А. Я. Вишинский ва суд процесси котиби I ранг ҳарбий юристи А. А. Батнерларни таништирди. Суд мажлисини очиқ деб эълон қилиб, ҳар бир судланувчидан айбловномани олган, олмаганлигини сўради. Ҳамма судланувчилар олганликларини айтишди. Суд котиби айблов хулосасининг тўлиқ текстини, беш қисмдан иборат айблов фикрини алоҳида таъкид билан ўқиди. Ҳужжат: айблов хулосаси 1938 йил 23 февраль Москва шаҳрида тузилди. Имзо: ССР Иттифоқининг Бош прокурори А. Вишинский, деган жумла билан тугарди.

Айблов хулосаси ўқиб бўлингач, Ульрих ҳар бир судланувчидан қў-

**1**



Нуриддин МУҲИТДИНОВ

# ҲАҚИҚАТ ЎЛМАЙДИ

### ЁҲУД ЛЕНИНЧИ БОЛЬШЕВИК АКМАЛ ИКРОМОВНИНГ ҚАНДАЙ ОҚЛАНГАНЛИГИ ҲАҚИДА

йилган айблар бўйича ўзини айбдор деб биладими ёки йўқлигини сўради. Н. Н. Крестинскийдан ташқари ҳамма судланувчилар ўзларини қўйилган айбларда айбдор эканликларини бўйниларига олишди.

Суд прокурор томонидан таклиф этилган суд терговини олиб бориш тартибини тасдиқлади ва айбланувчиларни сўроқ қилишга киришди. 5 март куни соат 18 да Икромовни сўроқ қилиш бошланди ва бу ярим кечагача давом этди. 11 март куни эрталаб суд раиси мажлисни очиб, айбловчи Вишинскийга сўз берди. У мажлис охиригача гапирди ва нутқини 18 айбланувчини, улар орасида А. Икромов ўнинчи бўлиб тилга олинганди, олий жазо — отишга ва уч кишини турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиш таклифи билан тугатди. Вишинский нутқидан сўнг танаффус эълон қилинди. Эртасига кечки мажлисда судланувчиларга сўнгги сўз берилди. Ўша куни соат 21-у 25 да суд маслаҳат қилгани чиқиб кетди.

1938 йил 13 март куни, тонг саҳар соат 4 да раислик қилувчи В. Ульрих ҳукмни ўқиб эшиттирди. Ҳукм қуйидагича тугаганди: «юқорида баён қилинганлар асосида ва РСФСР жиноят-процессуал кодексининг 319- ва 320-моддаларига биноан ССР Иттифоқи Олий судининг ҳарбий коллегияси Н. И. Бухарин, А. И. Риков, Г. Г. Ягода, Н. Н. Крестинский, А. П. Розенгольц, В. И. Иванов, М. А. Чернов, Г. Ф. Гринько, И. А. Зеленский, А. Икромов, Ф. Хўжаев, В. Ф. Шаронгович, П. Т. Зубарев, П. П. Буланов, Л. Г. Левин, И. Н. Казаков, Миксимов—Диковский, П. П. Крючковларни олий жазо — отишга ҳукм қилади». Қолган уч киши турли муддатга қамалишди.

А. Икромов атиги бир неча минут давом этган охирги сўзини қуйидагича тугатди: «ўлгинг келмайди, айниқса, халқ душмани бўлиб ўлишни хоҳламайман, ўзимнинг мана шу гуруҳ билан қилган оғир жиноятимни қаерда бўлса ҳам майли ювишни истардим». Бу мурожаат эътиборга олинмади. 18 киши устидан чиқарилган ҳукм бир кундан кейин яъни 15 март куни амалга оширилди — улар ҳаммаси отилди... Акмал Икромов отилган ўша машъум кунларда у эндигина 40 ёшга тўлганди.

Ўша пайтдаги матбуотнинг хабар беришича ҳукм ва унинг ижро этилганлиги кенг маъқуллаш билан кутиб олинган ва халқ душманлари — масъул ходимлар ҳамда уларнинг яқинларига қарши кураш кучайган.

Келинг, энди бу гуруҳнинг қандай эканлигини: қачон, ким томонидан, қандай қилиб тузилганлигини, А. Икромов ва Ф. Хўжаевлар нима муносабат билан унга қўшилиб қолганликларини ва ниҳоят бу гуруҳнинг нима учун «аксил шўровий троцкийчи ўнг блок» деб аталишини кўриб чиқайлик.

1937 йилнинг февраль—март ойларида ВКП (б) МКнинг Пленуми бўлиб ўтди. Унда бошқалар қатори Н. Бухарин ва А. Риковлар ҳам танқид қилинганди. Шунинг учун Пленум уларнинг ишини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия тузиб, А. И. Микоянни унга раис қилиб тасдиқлади. Комиссия ўз докладида Н. Бухарин ва А. Риков ҳаммаслакларини бирлаштирган гуруҳ тузиб, партия ва давлатга қарши душманлик иши олиб боряпти, деб кўрсатди. А. И. Микоян ва комиссия аъзолари ўз таклифларини қуйидагича ифодалашди: «Н. И. Бухарин, А. И. Риков ва уларнинг ҳамфикрлари ҳибсга олинсин, суд қилинсин, отилсин». Комиссия ҳужжатларни тафтиш ва тадбиқ этиш учун Бош прокуратурага топширди. Шу тариқа 22 кишидан иборат «аксил шўровий троцкийчи ўнг блок» пайдо бўлди. Улардан бири — Енукидзе судгача отилганди, қолган 21 кишининг фожиали тақдири ҳақида юқорида гапириб ўтдик.

Орадан 18 йил ўтгач, 1956 йилда, КПСС XX съездидан сўнг бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бегуноҳ азоб чекканларнинг ишини ўрганиш ва кайта кўриш бўйича катта иш бошланди. Партия, давлат, касаба союзлари, комсомол ва жамоатчилик ташкилотларида, ижодий союзларда ҳамда вилоят, шаҳар, ноҳия, корхона, муассаса ва ўқув юртларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган минглаб кишилар оқланди.

Жумҳуриятнинг раҳбар ходимлари бўлган А. Икромов, В. Иванов, И. Зеленский, Ф. Хўжаевлар, Н. Бухарин ва А. Риковлар иши бўйича ўтганлари учун Ўзбекистон КП МК материалларни чуқур ўрганиб чиққач, ўлканинг бу раҳбарларини оқлаш тўғрисида КПСС МК Президиумига илтимос билан мурожаат қилди. Ҳуқуқ органлари масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси МК илтимосини қондирди ва умумий ишдан А. Икромов ва Ф. Хўжаевлар ишини ажратиб олиб, қўйилган айбларни бекор қилди ва ўзларини оқлади.

Улар отилганларидан бери орадан 52 йил ўтди. КПСС XXVII съезди қарорларига асосан 30-40 йилларда ва 50-йилларнинг бошларида қатағонга учраб оқланмай қолганларнинг ишини ўрганиш учун КПСС МКнинг комиссияси тузилди. Комиссиянинг таклифи билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Н. Бухарин, А. Риков, «блок»нинг бошқа аъзоларини (Ягодадан ташқари) шу жумладан И. Зеленский ва В. Ивановларни ҳам оқлашди. Бу ҳақда 1988 йилнинг 4 февралида матбуотда хабар берилган.

**2**

Ўзбекистон КП МКда 50-йилларнинг ўрталарида яна учта муҳим муаммо билан шуғулланган эдик.

1) Турли муддатга ҳукм қилинган ва лагерларда, сургунда бўлганларни аниқлаб, уларни қайтариш чоралари кўрилди.

2) Олий жазога ҳукм қилинганларнинг умр йўлдошлари, ота-оналари, фарзандлари ва бошқа яқин қариндошлари қидирилди. Уларни жумҳуриятнинг турли бурчакларидан ва ўлкадан ташқарида ҳам топгач, Тошкентга олиб келдик. Партия ва совет органлари уларни яхши кутиб олиб уй-жой билан таъминлашда, ишга жойлаштиришда, ўқиш ва даволанишда ғамхўрлик қилишди.

3) Отилганларнинг қабрларини ёки дафн этилган жойларини қидиришга киришилди. Мақсад қариндошлар, жумҳурият ходимлари зиёрат қилишлари, ҳурматларини бажо келтиришлари учун шароит яратиш, имкони бўлса ҳокларини келтириб она юртга қайтадан дафн этиш эди.

Бу йўналишларда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, уни яна давом эттириш учун белгиланган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон зиёлиларининг 1956 йил 11—13 октябрда бўлиб ўтган съездидаги докладимда батафсил тўхтаб ўтилган.

Гарчи ушбу ўқиётганларингиз шахсан А. Икромовга тааллуқли бўлсада, буни ўша йиллардаги тарихий шароит, сабаб ва оқибатлардан узиб олиб кўриб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон КП МКда Акмал Икромов билан бирга ишлаган бошқа раҳбарлар ҳақида ҳам гапириш мақсадга мувофиқдир. Кейинги пайтда А. Икромов, шунингдек, Ф. Хўжаев, У. Юсупов, Й. Охунбобоевларга алоқадор қатор материаллар берилаяпти. Қуйида фақат А. Икромов ҳақида гапирамиз, қолганлар хусусида кейинги мақолаларда тўхтаб ўтамиз.

Оқлаш бўйича материалларни тайёрлаш ишлари қандай ташкил этилганди? Партия XX съезди қарорларини эслайлик. Ўша йиллари қатағон қилинганларнинг тақдирини ўрганиш ишларига КПСС МК Президиуми аъзоси, КПСС МКнинг котиби Аверкий Борисович Аристов бошчилик қилганди. Ўзбекистон КП МКда бу ишлар билан камина, Ўзбекистон КП МК иккинчи котиби Р. Е. Мельников, республика давлат хавфсизлик комитетининг раиси А. Б. Бизов, республика прокурори М. Ш. Шералиев, Ўзбекистон КП МК маъмурий бўлимининг мудири (ҳозирги кунда профессор, медицина фанлари доктори) Б. А. Охунжонов ва биринчи котиб ёрдамчиси (ҳозирги кунда профессор, тарих фанлари доктори) М. М. Мусаевлардан иборат гуруҳ шуғулланганди.

Ҳадича Сулаймонова ҳақида алоҳида тўхтаб ўтишни истардим. Тергов, суд жараёни материалларини, айблов хулосаси, ҳукмини асослаш ва бошқаларни ўрганишда, айниқса жиноят кодекси моддалари ҳуқуқшунослик терминлари, баён қилинишларида ҳаммасини яхши тушунмасдик. Ана шунда менга, бутун гуруҳ аъзоларига Ҳадича катта ёрдам кўрсатди. Чуқур ҳурматим ва миннатдорчилигимни изҳор этиш ниятида бу ажойиб инсон, йирик олима ҳақида икки оғиз гапириб ўтаман.

Ҳадича Сулаймонова оддий ўзбек деҳқони оиласидан чиққан, ўзи андижонлик. Ёшлигида кўп қийинчиликлар кўрган, муҳтожликни бошидан кечирган. Ўз ақлу-фаросати, меҳнати, иқтидори билан номини бутун дунёга танитди. У қобилиятли педагог сифатида қатор шогирдлар етиштирди, республика Юстиция министри бўлиб ишлади, давлат ҳуқуқи, совет демократияси ва ҳуқуқшунослигига оид бир қанча асарлар яратди.

Зиёлилар съездида жумҳуриятда фан, айниқса, 1937—1939 йилги воқеалардан сўнг шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларда яратилган қонунлар давр талабига жавоб бермаётганлиги таъкидланганди. Мисол учун Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси 1926 йил граждан ва меҳнат қонунлари мажмуаси эса 1922 йилда қабул қилинган бўлиб, эскириб қолганди. Ана шуларни ҳисобга олиб жумҳурият партия ташкилоти олимлар олдига яқин йиллар ичида шўро қонунчилиги ютуқларига таянган ҳолда меҳнат, жиноий ишлар, граждан ва ер-сув ҳуқуқларининг янги қонунлари мажмуаларини тайёрлаш вазифасини қўйди.

Ҳадича бу ишга биринчилар қатори киришди. Ҳуқуқшуносларнинг катта гуруҳи унинг раҳбарлигида социалистик Ўзбекистоннинг қатор янги қонунларини яратишди. У олим сифатида хорижий мамлакатларда бўлиб шўро давлатининг, социалистик ҳуқуқшунослиги эришган ютуқларни кенг тарғибот қилди. Афсуски, Ҳадича ҳаётдан эрта кўз юмди: оғир касалликдан сўнг 1962 йилда, 49 ёшида айни, куч ва ғайратга тўлганида вафот этди...

Комиссия аъзоларининг иши қуйидагича эди: МКнинг маъмурий бўлими ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлардан материаллар ва архивни олгач, дастлабки тарзда кўриб чиққач, умумлаштириб ўрганиш учун бизга топширарди. Ўз навбатида биз ҳар бир репрессия қилинганнинг ишини атрофлича таҳлил этгач, оқлаш учун таклиф тайёрлар эдик. Жумҳурият КП МК секретариати ёки бюросини хабардор қилардик, маъқуллагач, оқлашни расмийлаштириш учун прокуратура ва суд органларига оширардик. Шу тариқа, минглаб ўн минглаб бегуноҳ азоб тортган ва қурбон бўлган кишиларнинг номи оқланди.

Иттифоқ суд органлари ҳукми билан репрессия қилинганлар бўйича зарур асослаш билан таклиф тайёрлаб марказга юборардик. Москвага бориб, муҳокамада ва ижобий қарор қабул қилинишида иштирок этардик. Бироқ юқорида айтганимиздек, «аксил шўровий троцкийчи ўнг блок» иши бўйича ўтган жумҳуриятнинг тўрт раҳбар арбоби: 1925—1929 йилларда Ўзбекистон КП (б) МКнинг биринчи котиби бўлган В. И. Иванов, 1924—1931 йилларда ВКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси раиси бўлган И. А. Зеленский, 1925 йилда Ўзбекистон КП (б) МКнинг котиби, 1929—1937 йилларда эса биринчи котиби бўлган А. Икромов, 1925—1937 йилларда республика Халқ комиссарлари кенгашининг Раиси бўлган Ф. Хўжаевлар иши юзасидан мураккаб вазият вужудга келди. КПСС МК Президиумида партия ва давлатнинг таниқли арбоблари иши кўрилганда Н. С. Хрушчев мазкур гуруҳ, жумладан, Н. И. Бухарин ва А. И. Риковлар хусусида ҳам гапирганди. Бироқ илгари бевосита И. В. Сталин теварагида ишлаган Президиум аъзоларининг кўпчилиги қаршилик кўрсатишгани учун бу масала муҳокамадан олиб ташланганди.

Шундай бўлсада, биз юқорида номи тилга олинган тўрт кишининг ишини кўтаришга жазм қилдик. Тошкентда Ўзбекистон КП (б)нинг VII съезди, МКнинг III ва IV Пленумлари қарорлари ва МК бюроси «махсус кенгаш»нинг айрим материаллари ва маълумотларидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Улардан кўчирма олиб Москвага бордим ва А. Б. Аристов ҳузурига кирдим. У мени диққат билан эшитгач, бу ишни қайта кўрмасликка қарор қилинганлигини айтди. Унга бунинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтирганимдан сўнг, ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини билдириб, яхшиси Н. С. Хрушчев ҳузурига киришни тавсия этди, Никита Сергеевич ҳам мени диққат билан эшитди, материаллар билан танишди. Уни айниқса, И. В. Сталин ва В. М. Молотовларнинг Ўзбекистон КП (б) МК Пленуми номига ёзган хатлари қизиқтириб қолди. Бу масала И. В. Сталин раҳбарлигида Сиёсий бюрода қандай муҳокама қилинганлигини, Акмал Икромовнинг аризаси тўғрисида гапириб берди. Бухарин ва Риков сингари йирик арбоблар гуруҳнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари сифатида айбланган яхлит ишдан сиз айтган 4 кишининг ишини ажратиб олиш ва оқлашнинг имкони бўлармикан, деб гумон қилди. Мен уларнинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти, хизматлари ҳақида гапириб, уларни оқлаш қандай катта сиёсий акс-садо бериши мумкинлиги ҳақида айтганимда Никита Сергеевич ўша заҳоти телефон трубкани кўтариб СССР Бош прокурори Руденко билан боғланди: «Роман Андреевич, ҳузуримда бир киши (менинг номимни айтди) ўтирибди. У зўр бериб Бухарин ва Риковлар билан бирга ҳукм қилинган Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарлари ишини қайта кўришни илтимос қилмоқда. Бунга сен нима дейсан?» Прокурор нима деб жавоб берганини билмадим-у, лекин Н. С. Хрушчев шундай деб қўшимча қилди: «Мен Икромовни шахсан билардим. унинг аризасини Сиёсий бюрода муҳокама қилишда қатнашганман. У менга ҳалол ва содиқ одам бўлиб кўринганди. Ф. Хўжаев ҳам обрў ва ишончга эга эди. Олдингга Муҳитдинов киради, ўргангинглар, агар имкони бўлса комиссия муҳокамасига қўйинглар».

Никита Сергеевичга миннатдорчилик билдириб, қабулхонага чиқдим ва шу ернинг ўзидан Руденкога қўнғироқ қилиб қачон мени қабул қила олишини сўрадим. У «Ҳозироқ келинг», деб жавоб берди.

(Давоми бор).

**СУРАТДА:** Ўрта Осиё ва Қозоғистон пахтакорларининг 1956 йил Тошкентда ўтказилган кенгаши. Минбарда Н. А. Муҳитдинов.

**3**

# Чет эл воқеалари

● ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар Форс кўрфази ноҳиясидаги ҳарбий кучларини кўпайтирмоқда. Вирҗиния штатининг Лэнгли ҳарбий ҳаво базасидан у ерга душман радарлари пайқамайдиган Ф-117(А) «Стелс» қирувчи-бомбардимончи самолётлари юборилди. Бу самолётлар ўтган йилнинг декабрида АҚШ Панамага бостириб кирган пайтда «жанговар синов»дан ўтган эди. Пентагон режаларида регионга ана шундай самолётлардан 22 тасини юбориш кўзда тутилган. Форс кўрфазига Американинг қуруқликда ҳам соатига 50 миля (бир денгиз миляси — 1852 метр) тезликда юра оладиган амфибия кемалари жўнатилди. Вашингтон Форс кўрфазига юбораётган қуролларнинг бошқа турлари орасида «Хорнет» типидаги самолётлар, Б-52 — Ф-111 бомбардимончи самолётлари, Ф-15 қирувчи ва бошқа самолётлари, шунингдек вертолётлар, танклар, «Стингер» ва «Патриот» деб номланган «Ер-Осмон» тоифасидаги ракеталар бор.

* * *

АҚШ Президенти Жорж Буш Форс кўрфазидаги можаро муносабати билан резервдаги аскарларни қисман сафарбар этиш тўғрисида қарор қабул қилди, деб хабар қилди Президент маъмуриятидаги расмий кишилар. Уларнинг гапларига қараганда врачлар, юк ташиш бўйича мутахассислар ҳамда резервдагиларнинг бошқа бир қанча тоифалари қисман сафарбар этилади. Кеннебанкпорт (Мэн штати) шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги брифинда Оқ уй матбуот котиби Марлин Фицуотернинг таъкидлашича, Пентагон сафарбар этиш тўғрисидаги илтимос билан Президентга мурожаат қилган. Бу ерга етиб келаётган хабарларга қараганда, АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари жума куни Форс кўрфазида Эроннинг икки кемасини ушлаган, уларда ҳеч қандай юк йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўз йўлида давом этишга рухсат берган.

ҚОҲИРА. Саудия Арабистонининг ОПЕКка аъзо бўлган мамлакатлар нефть вазирларининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклифини Ироқ рад этди. Ироқ нефть саноати вазири Исом Абдул Раҳимнинг Ироқнинг ИНА ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда айтишича, муддати олдиндан келишилмай туриб, бундай мажлисни чақириш ташкилот учун зарарлидир. Бундай мажлис нефть нархини ҳар баррель учун 21 доллар даражасида сақлаб туриш тўғрисида қабул қилинган қарордан чекинишга олиб боради ва пировард натижада нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти аъзолари нефть қазиб чиқариш юзасидан ўзларига берилган рухсатга риоя этишларига салбий таъсир кўрсатади.

БМТ. Италия Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар номидан БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльярга мурожаат қилиб, ана шу мамлакатларнинг Қувайтда гаров сифатида ушлаб турилган фуқароларига ёрдам беришни илтимос қилди. Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадаги бир қанча мамлакатлар ҳам худди шундай илтимос билан БМТ Бош котибига мурожаат қилдилар. Ҳозир ташриф билан Перуда турган БМТ Бош котиби мана шу инсонпарвар муаммога жуда катта эътибор бермоқда, деди унинг вакиласи Надя Юнес.

* * *

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоси — Буюк Британия, Хитой, АҚШ, СССР ва Франция жума куни маслаҳатлашув ўтказдилар. Унда Хавфсизлик Кенгашининг бутун тарихи давомида биринчи марта ана шу мамлакатларнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакилларидан ташқари бу давлатларнинг хавфсизлик кенгаши ҳарбий-штаб қўмитасидаги ҳарбий мутахассислари ҳам қатнашдилар. Маслаҳатлашувда Форс кўрфази ноҳиясидаги аҳвол муҳокама қилинди. Кенгашни ўтказишдан мақсад Форс кўрфазидаги ва регионидаги ҳарбий денгиз кучлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни айирбош қилишдан иборат, деди ана шу учрашувдан кейин Франциянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Пьер-Луи билан, у бундан буён ҳам ана шундай маслаҳатлар бўлиши мумкинлигини айтди.

* * *

Қўшма Штатлар Ироққа қарши иқтисодий жазо чораларини амалга ошириш учун куч ишлатишга қарор қилганлигини БМТга расмий равишда маълум қилди. АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакилининг хавфсизлик кенгаши раиси номига бу ерда тарқатилган мактубида таъкидланишича, Қўшма Штатлар савдо-соҳасидаги жазо чоралари самарали бажарилиши юзасидан ҳаракат қилиш мақсадида «Қувайт ҳукуматига ва бошқа ҳукуматларга қўшилди». «АҚШ қуролли кучлари фақат зарур бўлган тақдирда ва кемалар Хавфсизлик Кенгашининг 661-резолюциясида баён қилинган савдо соҳасидаги чораларни бузишнинг олдини олиш учун зарур бўлган миқёсда куч ишлатади», — дейилади ҳужжатда.

НЬЮ-ЙОРК. Венера сатҳини радар ёрдамида картография қилаётган Американинг «Магеллан» илмий-тадқиқот станцияси ер билан радиоалоқани кутилмаганда тўхтатди. НАСА вакиллари ўтган жума куни Венера орбитасига учирилган 2,5 тонналик космик станция иккинчи алоқа сеанси тугагандан сўнг ер билан радиоалоқани тўсатдан тўхтатиб қўйганлигини айтдилар. Картография қилишнинг энг мукаммал радар системаси билан жиҳозланган «Магеллан» станцияси Венеранинг кўзга кўринмайдиган сатҳининг 90 фоизини ўрганишга мўлжалланган бўлиб, катталиги футбол майдонидек объектларнинг аниқ нусхасини ерга юборишга қодир эди.

**(СИТА).**

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### ВЕЛОСИПЕДЧИНИНГ РЕКОРДИ

● ХОККАЙДО қишлоқ хўжалиги коллежининг толиби Токио Ураиди Япониянинг барча ҳудудини велосипедда айланиб чиқиш учун 5 кеча-кундузу, бир соат вақт сарфлади. Аввалги рекордни 6 соатга янгилаган Томаснинг исми «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ёзилди, 2818 километрли масофани босиб ўтиш вақтида толиб кунига 4 соатдан ухлади, холос.

### 98 ЁШЛИ СПОРТЧИ

● ГРЕЦИЯ фуқароси Димитриос Иординис 1976 йили Афина шаҳрида ўтказилган марафонча югуришда маррага 7 соат 33 минутда етиб келди. Томошабинлар уни гуллар, қарсаклар билан кутиб олишди. Бу олқиш ва табриклар спортчининг кўрсатган натижасига эмас, балки ёшига берилган эди. Ахир Иординиснинг ёши 98 да эди-да!

### ЭНГ КУЧЛИ КИШИ

● 43 ЁШЛИ инглиз Дойе Смит жаҳоннинг энг кучли кишиси бўлса, ажаб эмас. Яқинда Смит ўзининг кучли мускуллари билан 39 тонналик юк автомобилини 500 метрга судраб борди.

### БЕШ КУН ГАПИРДИ

● МАБОДО, кўп гапириш бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилса, чилилик диктор Мигель Анхель Наваррет албатта, биринчи ўринни эгаллаган бўларди. Томе шаҳри радиостанциясининг юбилейига бағишланган байрам эшиттиришини 30 июлда бошлаган Наваррет студияни 8 августдагина тарк этди. Шундай қилиб, чарчамас диктор 113 соату 7 минут тўхтамасдан гапирди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Ибратли анъаналар

# «Аёл — олам чароғи»

**Пойтахтдаги Максим Горький номли маданият ва истироҳат боғида театрлаштирилган байрам — боғ сайли бўлиб ўтди.**

Чиройли безатилган саҳна, кўрпачалар тўшалган сўрилар, ҳар ер, ҳар ерда катта саватларда қўйилган гуллар, мусиқа оҳангларига монанд шундай ажойиб бир манзара яратганки, боққа кирган ҳар қандай кишини беихтиёр базмга элтади.

...Ўтирганлар нигоҳида ҳаёт худди саҳнага кўчди.

...Аёл чиммат зулматидан жабрланаяпти. У исён кўтариб озодликка чиқди. Энди эркин, бахтиёр яшаши мумкин. Аммо баъзи хотин-қизлар ўта эркинликдан қийнала бошлашди.

«Ўтган йили жумҳуриятда 242 нафар она ўз фарзандидан воз кечди. 40 нафар ўз боласини кўчага, ахлатхоналарга ташлаб кетди. Бугунги кунда жумҳуриятда болалар уйларида 26 мингга яқин болалар бор. Уларнинг 90 фоизи тирик етимлардир».

Бу мудҳиш рақамлар дилларни ўртади. Томошабинлар юзлари бирдан ёришиб кетади. Чунки, саҳнага нуроний онахон бешиқ олиб чиққанди.

Қаранг, онахон чақалоқни бешикка белаяпти. Оналик меҳридан бенасиб, бешикда ётиш бахтига муяссар бўлмаган жабрдийда қалблар, зорланмангиз, она алла айтаяпти.

Хайрли кечанинг ташаббускори ва ташкилотчиси Акмал Икромов номли ноҳия маданият бўлими мудири Музаффар Жафаров ноҳия хотин-қизлар кенгаши ҳамда «Шарқ юлдузи» маҳалла қўмитаси раисаси Одила ая Умархўжаевани, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида 40 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган, Қаҳрамон она Зарифа ая Саидова, мўътабар онахонлар Зебохон Латипова, Ҳалима ая Комиловаларни «Узоқ ва самарали меҳнатлари, маданий ва маърифий ишларни ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат ишларидаги фаолликлари учун «Аёл олам чароғи» байрамининг эъзозли меҳмони сифатида саҳнага таклиф этади.

Даврани олиб борувчилар чиройли шеърлар ўқишди. Мушоира, қўшиқ, рақс, аския, қизиқчилик авжига чиқди.

Акмал Икромов ноҳияси Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйи карнай-сурнайчилари, «Кўнгил» дастаси, драма тўгараги, Ленин ноҳияси Ғ. Ғулом маданият уйи «Гавҳар» фольклор этнографик ижодий уюшма қатнашчилари хизматда бўлишди.

Шодиёнада дам олиб, ҳордиқ чиқараётган аяхонлар олдида ноқулай бўлсада, уларнинг суҳбатини олишга чоғландим.

— Шундай тадбирларнинг ўтказилиши аввало уйда ўтирган аёлларнинг дилига хушнудлик бағишлайди. Қолаверса қизларимизнинг ҳаёли, иболи, халқимиз урф-одатлари қадрига етувчи, келажакда яхши оналар бўлиб тарбияланишларида муҳим роль ўйнайди, — дейди Одила опа.

— Менимча, — дея суҳбатни давом эттирди кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилиб эндиликда маҳаллаларда жамоатчиликнинг ҳурматли аяхонларидан бирига айланган Ҳалима опа Комилова. — Қизларимизнинг ҳаётга, оилага тайёр бўлиб турмуш қурмаётганликларидан, ҳозирги қайноналар ҳам оиланинг тотувлиги учун жавобгарликни кўпам ҳис қилмаётганларидан деб биламан.

Ҳақиқатан ҳам ноҳия маданият бўлими қошида ташкил топган «Садоқат» халқ урф-одатлари ва анъаналари жамоаси клуби бундай хайрли ишга кўп марта қўл урган.

«Муҳаббат оила негизи», «Қайнонам онам менинг, келиним болам менинг», «Ён қўшни жон қўшни», «Нонни ким қилса азиз, ўзи бўлар нондек азиз» каби кечалар шулар сирасидандир.

Қанийди, замонамиз тинч, халқимиз аҳил биродар бўлиб шундай байрамлар кўп ўтказилаверса.

**Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА.**

* * *

**СУРАТЛАРДА: байрам сайлидан лавҳалар.**


Суратчи: Муҳаммад АМИН.









## ПЕШҚАДАМНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўтган жума куни биринчи лига жамоалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари ўз майдонида Тирасполь шаҳрининг «Тирас» клубини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпларни Оганесян билан Магомедов киритди.

Шу турдаги марказий учрашув Владикавказда бўлиб ўтди. Турнир жадвалининг карвонбошиси «Спартак» мусобақада иккинчи ўринда бораётган Запорожье шаҳрининг «Металлург» командаси билан куч синашди. Қизиқарли ўтган бу ўйин 2:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. «Спартак» бу ғалабадан сўнг очколар сонини 35 тага етказиб, ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. «Металлург» 32 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. «Пахтакор» ва Ставрополнинг «Динамо» командалари 30 тадан очкога эга.

Шу турдаги қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Кузбасс» (Кемерово) — «Шинник» (Ярославль) — 1:2, «Қайрат» (Олмаота) — «Таврия» (Симферополь) — 1:2, «Локомотив» (Горький) — «Нефтчи» (Боку) — 1:0, «Факел» (Воронеж) — «Зенит» (Ленинград) — 0:0, «Локомотив» (Москва) — «Геолог» (Тюмень) — 2:1, «Динамо» (Ставрополь) — «Кубань» (Краснодар) — 1:0, «Котайк» (Абовян) — «Нистру» (Кишинёв) — 2:1.

Биринчи лигада навбатдаги тур учрашувлари 22 ҳамда 23 август кунлари бўлиб ўтади. «Пахтакор» чоршанба куни Кишинёвда маҳаллий «Нистру» командасига қарши майдонга тушади.

Бизнинг мусоҳаба

## БИЗ БИЛМАГАН АМИРҚО

**25 июлдан 5 августгача Амирқонинг Сиэтл шаҳрида Яхши ният ўйинлари бўлиб ўтди. Катта спорт мусобақасида жумҳуриятимиз спортчиларидан ташқари фирқа, комсомол ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар орасида Хоразм вилоят комсомол қўмитаси котиби Комилжон ИБРОҲИМОВ ҳам бор эди.**

**Қуйида унинг шу сафардан сўнгги айрим мулоҳазаларини, таассуротларини сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.**

Амирқолик машҳур миллионер, холис ниятли киши Теди Тернер муаллифи ва раҳномаси бўлган Яхши ният ўйинлари ҳақида кундалик матбуотда жуда кўп ёзилди. Шўро спортчиларининг бу ўйинларда қўлга киритган муваффақиятлари ҳаммамизга яхши маълум. Демак, гап мавзуси бу ҳақда эмас. Шарҳловчилик вазифасидан ўзимизни халос қилиб, ўн кун давомида Қўшма Штатларда кўрганимиз, гувоҳ бўлганимиз — биз билмаган Амирқо тўғрисида озроқ сўзлаб бермоқчиман...

Энг аввало, минг афсус билан қайд қилишим керак. Гарчи жумҳуриятимиз спортчилари ҳам бу улкан мусобақаларда иштирок этиб, озми-кўпми ютуқларга эришишган бўлишсада, қувонишимизга ҳали эрта. Чунки, биророрта ўзбек миллатига мансуб спортчи Яхши ният ўйинларида қатнаща олмади. Нимага? Ўн беш миллионли туб миллат аҳолиси орасида жисмонан бу талабга жавоб берадиган ёшлар, спортчилар йўқмиди? Бунга «бор эди» ёки «топилмади» деб жавоб бериш ёки турғунлик даврини бош айбдор қилиш ҳам мумкиндир...

Шахсан ўзим ўн йил миллий кураш, дзюдо, самбо бўйича шуғулланганман, мусобақаларда қатнашганман, спорт мастери даражасини бажарганман. Шарт-шароит етарли бўлмаган маконда бу ютуқдан қувониб юрган вақтларим бўлган. Лекин, Амирқонинг ўртача шаҳарларидан бири Сиэтлдаги спорт майдонлари, стадионлар улардаги шарт-шароитларни кўриб, рости жуда қувониб кетдим. Негаки, жумҳуриятимиз шароитида, ҳаммаси амал-тақал бўлган машғулот майдонларида, етишмовчиликлар, турли чеклашлар, бюрократик қурилмалар исканжасида ҳам одам ният қилса, спортда кўп нарсага эришиши мумкин экан. Агарда бизда ҳам Амирқодагидек шароит, имкон бўлгандами...

Хрушчев «Амирқони қувиб ўтиш» шиорини майдонга ташлаган даврда дунёга келган бизнинг авлод чорак асрдан сўнггина кўзимиз очилиб, доҳийларнинг ёлғон яшиқ ваъдаларига ишониб, байроқ кўтариб юрганимизни англаганимиз, сохта душманлар ясаб, қўрқувда яшаб келганимиз, бутун дунёдан иҳота қилинганимиз, «фаровон турмуш тарзимиз» қиёфаси ошкора бўлиб қолгани — бугунги умум фожиамиздир.

Амирқоча яшаш тарзи биз қўним топган Хэл Виланд оиласи мисолида яққол кўринади. «Боинг» ҳарбий ва фуқаро тайёралари ишлаб чиқарувчи фирмада муҳандис бўлиб ишлайдиган оила бошлиғининг йиллик маоши эллик етти минг доллар. (Солиштириш учун шунча пулга бизда ҳар бири беш минг сўм турадиган икки юз дона япон видеомагнитафони харид қилиш мумкин).

Виланднинг турмуш ўртоғи тижорат соҳасида ишлайди. Бир ўғли ва қизи Вашингтон дорилфунуни талабалари. Кичиги мактабда. Оилада бешта замонавий русмдаги енгил машина бор. Икки қаватли шахсий уйда истиқомат қиладилар.

Шаҳарнинг озодалиги, одамларнинг хушмуомалалиги, дўконларда молларнинг беқиёс даражада кўплиги, нархларнинг арзонлиги, осмонўпар биноларнинг меъморчилик санъати... Ҳаммамизни лол қолдирди. Сиэтл билан биродарлашган Тошкент ҳақида — «Шарқнинг дарвозаси» тўғрисида эса ҳақиқатни ҳаммамиз биламиз.

Гарчи ўрта мактабда инглиз тилини ўргатишган бўлишсада, тилни қандай ўрганганимиз дастлаб — тайёрагоҳдаёқ маълум бўлиб қолди. Махсус луғат ўзаро мулоқотга тез киришишимизга имкон яратди. Бизлар кўпгина спорт томошаларида иштирок этдик, корхона ташкилотларда жамоатчилик асосида ишлайдиган клубларда бўлдик. Ёшлар билан учрашдик. Савол-жавоблардан маълум бўлдики, амирқолик ёшлар ўз юрти, Ватани тарихини яхши билишади. Бизнинг мамлакат тўғрисидаги тушунчалари эса саёз. Бу балки, бизнинг «совуқ уруш» сиёсатимиз ёки тарихни бир томонлама ўргатиш русмимизнинг уларга юққанидандир. Совет Иттифоқи деганда асосан рус миллатига мансуб кишиларни тушунишади. Ўзбекистон ҳақида, ўзбеклар тўғрисида умуман эшитишмаган. Хоразм, Хива, Самарқанд ҳақида айтиб ўтирмай. Борган жойимизда, учрашувларда мен ўз зиммамга юклаган вазифани Хоразм, Хива ва бошқа тарихий маданиятга бой жойларимизни кенг ташвиқ қилдим, китоблар, гулқоғозлар, махсус рисолаларни совға тарзида топшириб, уларни юртимизга албатта келишга таклиф этдим.

Сиэтлдаги ёшлар таълим оладиган мактаб билан танишдик. Ўқувчилар машғулот ўтказадиган хоналар, улардаги энг сўнгги русмдаги замонавий ускуналар бизнинг улкан дорилфунунларимизда ҳам йўқ. Қиёслашим мумкинки, худди шундай бир мактабнинг спорт зали, майдончасининг ўхшашини жумҳуриятимиздан излаб топиш қийин... Кўпчиликнинг назлида биз гўё эртаклар мамлакатига — хаёлий оламга тасодифан тушиб қолгандек эдик...

Сайёҳчи гуруҳимиз сафида уч нафар комсомол ходими — москвалик, қирғизистонлик ва мен. Таассуф билан айтиш керак. Яхши ният ўйинлари тинчлик, биродарлик, осойишталик, халқлар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ишонч туйғуларини ташвиқ қилувчи, меҳр-оқибат элчиси бўлган улкан мусобақалар ўтаётган пайти юртимизда кўнгилсиз воқеалар содир бўлаётган, водийда, Ўшда ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида тартибсизликлар рўй бераётганди.

Воқеадан яхши хабардор кишилар мендан ва Маратдан шу тўғрида кўпроқ фикр сўрашди. Икки туркий, қондош халқ ўртасидаги низо сабаблари билан қизиқишди... Иттифоқдан борган бошқа миллат вакиллари ўртасида уятдан ўзимизни қўйгани жой топа олмадик. «Ўзбеклар иши» ниҳояланмай туриб, Фарғона фожиалари яраси битмасдан рўй берган бу нохуш воқеалар юртимиз, миллатимиз шаънига яна доғ бўлиб тушди, ёмон отлиққа чиқарди. Калтабинларча юритилган сиёсат меваси, маҳаллий раҳбарларнинг ношудлиги, миллий масалаларнинг, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тўпланиб қолганлиги — фожиа сабабчиси бўлганлигини, қани, тушунтириб, ишонтира олсак...

Жаҳон Олимпиадалари даврида урушларнинг тўхтагани, қон тўкишларга чек қўйилгани тарихдан маълум. Яхши ният ўйинларининг бош мақсадларидан бири ҳам шу эзгу иш. Аммо, бу галги ўйинлар ўтаётган даврда дунёнинг турли бурчакларида оловли ўчоқлар ўчмади, биродаркушлик давом этди. Ана шундай нуқталардан бирининг айнан биздалиги юрагимизга хижил солди, ташрифимиз шу маънода таътимади.

Келгусида мамлакатимизда бўлиб ўтиши мўлжалланган навбатдаги Яхши ният ўйинларида биз кўнглимиз тубига чўккан шу дардҳасратларимизнинг бир қисмидан фориғ бўлиб қатнашсак, қалбимизда тағинда яхши ниятлар уйғонса, амалга ошса — бахтимиз ўшанда бўларди.

**Рўзимбой ҲАСАН**
**ёзиб олди.**



ТВ

**22 АВГУСТ ЧОРШАНБА**

**● ЎзТВ I**

11.30 Болалар учун фильм. «Акаиро». 11.50 Такрорий фильмлар экрани. «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 1-серия. 12.55 Б. Носиров. «Оқ тулпор» изидан...» Видеофильм 2-қисм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар». Ризамат Мусамуҳамедов номли Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми.

**Қувноқ ўтсин таътиллар**

18.10 «Қаноатсиз ғозча». Мультфильм. 18.20 «Дўстлик поезди». Болалар учун фильм-концерт. 18.50 «Бола бошидан...» Ўзбекистон телевидениеси ва «Совет Ўзбекистони» рўзномаси редакциясининг ҳамкорликдаги кўрсатуви. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Унутмас мени боғим». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). Премьера. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Буюк муҳаддис». Ат-Термизий. 21.15 Кинолавҳа. 21.20 «Созимиз — овозимиз». ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Усмонов ва хонанда А. Эркаев. 22.00 «Ахборот». 22.20 А. Островский. «Ҳар тўкисда бир айб...» Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**● ЎзТВ II**

18.10 «Дўстларимиз совғаси». Белоруссия телевидениесининг кўрсатуви (рус тилида). 18.35 Созанда Заҳро Каримова ижро этади (фортепьяно). 19.05 «Тегирмон тоши». Телефильм. 19.25 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ҳаёти деҳот». Тележурнал. 23.00 «Туманда қолган қирғоқлар». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

**● МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 9.10 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 11.10 «Бор, бўл, мусиқа!». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Бу фантастик олам». Мангу дарбадарликлар ва Ер ҳақида Р. Брэдбери ҳикояси асосида телеспектакль. 16.15 «Мусиқий хазина». Л. Бетховен ва Р. Шуманнинг фортепьяно асарлари. 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Долзарб интервью. 18.40 «Конституцияга икки хил қараш». АҚШ Конституцияси ва СССРнинг бўлажак Конституцияси. 19.25 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «МузЭКО-90». Донецкда Жон Леннон хотираси фестивали.

**● МТ II**

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.20 А. Алексин. «Кинога борамизми?» Москва Ёш томошабинлар театри спектакли. 9.45 Болалар учун фильм. «Уч қувноқ смена». 2-серия. 10.50 «Танго, танго, танго». Фильм-концерт («Экран»). 11.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 10-серия.

* * *

16.30 «Тақдир экан, деймиз». Мамлакат йўлларидаги аварияларнинг сабаблари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 16.50 «Турар-жой-2000: афсонами ёки бор гапми?». Ижтимоий программаларни ҳал этиш тажрибасидан. 1-кўрсатув. 17.20 «Шаҳар куйи». Кисловодск. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Ёш циркчилар ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Тиклаииш». Подмосковьенинг Пришвин қадамжолари ҳақида. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўл келадиган восита». Мультфильм. 19.40 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 19.50 «Дўстларимнинг ажиб фазилатлари». 1-учрашув — «Севги, фантазия ва омад қўлларда». Киров шаҳрилик халқ ўйинчоқлари устаси В. Жигальцев ҳақида. 20.40 «Закарпатье жилолари». Ужгороддан кўрсатилади. 21.10 «Лаҳзалар...» Телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.


Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. 23526.